

Шрила Рупа Госвами

"Шри Упадешамрита"

Насихатлар нектари

Халқаро Кришнани англаш жамиятининг асосчи-ачаряси Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг таржимаси ва изоҳлари асосида

Бхактиведанта Бук Траст
Москва - 1991

Сўзбоши

“Кришнани англаш Халқаро жамияти”нинг фаолияти Шрила Рупа Госвамининг илоҳий насихатлари асосида ташкил этилган. *Гаудийа-вайшнавлар*, яъни, Бенгалиялик вайшнавларнинг аксарият кўпчилиги Шри Чайтанйа Махапрабхунинг издошларидир. Вриндаванлик олти Госвами эса, Унинг бевосита шогирдлари. Шу боис Нароттама дас Тхакур шундай илтижо қилади:

*рупа-рагхунатха-паде ха-ибе акути
кабе хама буджхаба се йугала-пирити*

"Қалбимда Вриндаванлик Госвамилар ёзган асарларнинг мазмунини тушуниб олишга кучли иштиёқ пайдо бўлгандагина мен Радха-Кришнанинг ўзаро ишқий муносабатларининг илоҳий моҳиятини англай оламан".

Шри Чайтанйа Махапрабху ер юзига бутун инсониятга бебаҳо неъмат Парвардигор ҳақидаги илоҳий илми ато этиш учун ташриф буюрган. Парвардигорнинг Ер юзида кўрсатган барча кароматлари ичида энг улуғвор, энг буюк эрмаги Унинг гопилар билан биргаликда ўтказган ишқий ўйинларидир. Шри Чайтанйа Махапрабху ер юзига ташриф буюрганида гопилар ичида энг буюк содиқ Шримати Радхаранининг киёфасига кириб, Унинг фикр-ўйларини ва хис-туйғуларини ўзида мужассам қилган. Шундай қилиб, Парвардигорнинг бу дунёга келишдан мақсадини англаб этишга ва Унинг изидан боришга кодир бўлиш учун инсон жиддий эътибор ва изчиллик билан вриндаванлик мана шу олти Госвами изидан бориши лозим: Шри Рупа, Санатана, Бхатта Рагхунатха, Шри Жива, Гопала Бхатта ва Даса Рагхунатха.

Вриндаванлик олти Госвамининг сардори Шрила Рупа Госвами ўзининг "Шри Упадешамрита" ("Насихатлар нектари") асарини Худонинг содиқларининг руҳий фаолиятини тартибга соладиган асосий қўлланма сифатида ёзган. Шри Чайтанйа Махапрабху ўзининг издошларига "Шикшаштака" деб аталадиган саккиз мисра шеър

қолдириб кетгани сингари, Шрила Рупа Госвами ҳам бизга ўзининг "Упадешамрита" асарини қолдириб кетган. Бизлар Худонинг асл содиқлари бўлиб этишга олишимизни ўйлаб улар шундай қилганлар.

Ҳар қандай руҳий фаолиятда асосий эътибор асосан ақли ва сезгиларни жиловлаб олишга қаратилади. Инсон ўзининг сезгиларини ва ақлини жиловлаб олмай туриб руҳий фаолиятда бирор муваффақиятга эриша олмайди. Моддий оламда яшаётган ҳар бир тирик мавжудот эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остида бўлади. Шрила Рупа Госвами берган насихатларга амал қилиб яшасак, биз эзгулик, яъни *самтв*-*гуна* поғонасига кўтарила оламиз. Фақат шундагина бизга руҳий юксалиш йўлининг навбатдаги улуғвор эшиклари очилади.

Худони англаб этиш йўлида муваффақиятга эришиш асосан инсоннинг ўз интилишига, унинг руҳий фаолиятга бўлган муносабатига боғлиқ. Ўзини Худонинг содиқ хизматкори деб билган киши мукамал даражада *госвами* бўлиши лозим. Одатда вайшнавларни *госвами* деб атайдилар. Вриндаванда Кришнанинг эҳромларига раҳбарлик қилаётган вайшнавларнинг ҳаммаси ана шундай унвонга эга. Парвардигорнинг комил содиғи бўлишга интилаётган ҳар бир инсон энг аввало *госвами* бўлиб олиши лозим. *Го* - сезгиларни, ҳиссиётни, нафсни; *свами* ибораси эса, “хўжайин” деган маънони билдиради. Ўз ҳиссиёт(сезгилар)ини ва ақлини бошқаришни, жиловлашни ўрганмай туриб ҳеч ким *госвами*, вайшнав бўла олмайди. Инсон ҳаётда ҳақиқий баркамолликка эришиши - *госвами* бўлиб олиши, кейин эса, Парвардигорнинг асл содиғи бўлиб этишиши учун ҳаётда Шрила Рупа Госвамининг мана шу "Упадешамрита", "Насихатлар нектари"ига риоя қилиб яшаши лозим. Шрила Рупа Госвами "Бхакти-расамрита-синдху", "Видагдха-мадхава", "Лалита-мадхава" сингари бошқа кўплаб асарлар ёзиб қолдирган, аммо у ўзининг мана шу "Упадешамрита" асарига **Худонинг содиқлари биринчи навбатда риоя қилишлари лозим** бўлган насихатларни киритган. Биз ана шу насихатларга қатъий риоя қилиб яшашимиз лозим, шунда руҳий юксалиш йўлида ўзимиз интилаётган энг юксак муваффақиятга эришиш анча осон бўлади.

Харе Кришна.

А. Ч. Бхактиведанта Свами.

Вишварупа-махотсава Кришна-Балорам Мандир
Рамана-реги. Вриндаван, Ҳиндистон.

1975 йил. 20 - сентябрь.

Биринчи мантра

*вачо вегам манасах кродха-вегам
жихва-вегам ударопастха-вегам
этан веган йо вишахета дхирах
сарвам атимам притхивим са шийат*

"Ўзининг нутқини назорат қилишга, ақл(нафс)ининг талабларини жиловлашга, ғазабини боса олишга ҳамда тилининг, қорнининг ва жинсий аъзоларининг хуружларини тўхташиб туришга қодир бўлган вазмин киши бутун дунё бўйлаб шогирдлар қабул қилиш учун зарур бўлган барча фазилятларга эга бўлади".

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"(6.1.9-10)да Махараж Парикшит Шукадева Госвамига бир неча чуқур маъноли саволлар берганди. Улар орасида шундай савол ҳам бор: "Ўзининг сезги аъзоларини жиловлай олмайдиган кишининг тавба-тазарру қилиб гуноҳларидан покланиб юришининг нима маъноси бор?" Масалан, ўғрини олайлик. Ўғри қачон бўлса ҳам қўлга тушишини жуда яхши билади, бунинг устига, у бир неча марта миршаблар бошқа бир ўғрини олиб кетаётганини ҳам ўз кўзи билан кўрган бўлиши мумкин, шунга қарамай, у ўғирлик қилишда давом этаверади. Инсон одатда бошқаларнинг ҳаракатларини кузатиб, уларнинг гапларини тинглаб тажриба ортттиради. Ақл-фаросати камроқ киши бошқаларни кузатиш орқали, онглироқ одам эса, тинглаш орқали ҳаёт тажрибасини орттириб боради. Оқил инсон давлат қонунларини ва муқаддас китобларни ўрганиб, ўғирлик қилиш бадахлоқлик, гуноҳ, жиноят эканини, қўлга тушган ўғри албатта жазо олишини билиб, ҳеч қачон ўғирликка қўл урмайди. Ақли пастроқ одам эса, бир марта қўлга тушиб, жазо олгандан кейин ўғирлик қилишни тарк этади. Нодон ва ярамас одам эса, жазо олиши ҳақида эшитса ҳам, бошқаларнинг жазо олганини кўрса ёки ҳатто ўзи бир неча марта жазоланса ҳам, барибир, ўғирлик қилишда давом этаверади. Ана шундай одам ҳатто қилган жинояти учун жазо олиб, гуноҳидан покланган бўлса ҳам, қамқонадан чиққан заҳоти яна ўғирлик қила бошлайди. Агар қамалиб чиқишни гуноҳдан покланиш деб ҳисобласак, бундай покланишнинг қандай маъноси бўлиши мумкин? Шунинг учун Махараж Парикшит Шукадева Госвамига шундай савол беради:

*дришта-ирутабхйам йат папам
жананн апи атmano "хитам
кароти бхуйо вивашах
прайаишчиттам атхо катхам
квачин нивартате "бхадрат
квачич чарати тат пунах
прайаишчиттам атхо "партхам
манйе кунджара-шаучават*

У бундай покланишни филнинг чўмилишига ўхшатади. Фил дарё сувида яхшилаб ювиниб чиққандан кейин, қирғоққа чиққан заҳоти устига тупроқ ва лой соча бошлайди. Бундай ювинишдан нима фойда? Шунга ўхшаб, руҳий фаолият билан шуғулланиб, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган одамларнинг кўпчилиги ҳам гуноҳ қилишда давом этавердилар. Улар Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш билан гуноҳларимиздан покланамиз, деб ўйлайдилар. Мана шу - Худонинг муқаддас номларини

зикр қилиб юрган инсон содир қиладиган ўн турли ҳақоратлардан бири ҳисобланади. Ҳақоратнинг бу тури санскрит тилида *намно балад йасйа хи папа-буддхих*, яъни, **"Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилишнинг поклаш қудратига ишонган ҳолда гуноҳ қилиш"** деб аталади. Худди шундай, баъзи бир христианлар ҳам черковга бориб тавба-тазарру қиладилар. Улар руҳоний олдидан гуноҳларимизни айтиб тавба қилиш билан бутун ҳафта давомида қилган гуноҳларимиздан поклана-миз деб ўйлайдилар. Шанба куни тугаб, янги ҳафта бошланади, келгуси шанбада яна покланишдан умидвор бўлиб, улар қайтадан гуноҳ ишларга берилиб кетадилар. Ўз даврининг энг билимдон ҳукмдори бўлган шох Парикшит *прайаишчитта* (гуноҳлардан покланиш)нинг бундай усулини қоралапти. Шохнинг саволига жавоб берар экан, Махараж Парикшитнинг муносиб руҳий устози, худди шундай донишманд зот Шукадева Госвами, шохнинг гуноҳлардан покланиш маъносини тўғри тушунганини тасдиқлади. Савоб ишлар қилиш йўли билан гуноҳлардан покланишнинг иложи йўқ. Шу боис *прайаишчитта*, **гуноҳлардан ҳақиқий покланиш** - қалбимизда мудраб ётган илоҳий онгни - Парвардигор онги билан яшаш туйғусини уйғотишдан иборат.

Гуноҳлардан ҳақиқий покланиш - ҳаёт ҳақида ҳақиқий илмга эга бўлишдан иборат, бунинг эса, барча тан олган ҳаммабоп усули бор. Гигиена қоидаларига риоя қилиб юрган киши касалга чалинмайди. Ҳаёт ҳақида ҳақиқий илмга эга бўлиш учун инсон маълум қонун-қоидаларга риоя қилиб, махсус тайёргарлик орқали ўтиши лозим. Ана шундай қонун-қоидаларга асосланган ҳаёт - *тапасйа*, риёзат(чекиб яшаш) деб аталади. Фақат риёзат чекиб, жинсий поклигини сақлаб юрган (*брахмачари*), ақли ва сезгиларини жиловлаб олган, мол-дунёсини бева-бечораларга улашадиган, ростгўй, танасини ҳамшиша пок тутадиган ва *йога-асана* билан шуғулланиб юрган киши ҳаёт ҳақида муқаммал илмга эга бўла олади, яъни ҳаётда Парвардигор онги билан яшай олади. Аммо, Худонинг асл содиқ хизматкори билан учрашиш бахтига муяссар бўлган киши сеҳрли йога усули ёрдамида ақлини назорат қилиб юриш заруратидан халос бўлади; шунчаки Худони англаш жараёнидаги қонун-қоидаларга риоя қилиш ҳамда ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худого хизмат қилиш орқали у осонлик билан руҳий юксалишнинг юқори поғонасига кўтарилади. Шрила Рупа Госвами мазкур мантрада ўз издошларига мана шу осон йўлни тавсия қилапти.

Инсон энг аввало ўз нутқини назорат қилишни ўрганиши лозим. Ҳар бир инсонга гапириш қобилияти ато этилган, шу боис имкон туғилган заҳоти у дарров гапира бошлайди. Лекин, агар Худо ҳақида, Уни англаб яшаш ҳақида гапирмасак, биз фиску-фасод гапларни гапира бошлаймиз. Далада қуриллаётган қурбақаларга ўхшаб, ҳатто мутлақо бемаъни гаплардан ўзга гапиришга арзигулик бирор гапи бўлмаса ҳам, оғзида тили бўлган ҳар бир одам гапиришга ҳаракат қилади. Гарчи қурбақа ўзининг қуриллаши билан: "Кел, мен бу ердаман!" - деб илонни, яъни ўз ажалини чорлаётган бўлса ҳам, у қуриллашдан тўхтамайди. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган иймонсиз материалистлар ва файласуф-имперсоналист майявадиларнинг сафсата-лари ҳам худди ана шу қурбақаларнинг қуриллашига ўхшайди. Улар ҳамшиша бемаъни гаплардан сафсата сотиб, ўз ажалини яқинлаштира-дилар, холос. Аммо, *майявади-файласуфлардан фарқли равишда*, "нутқини назорат қилиш" деганда биз ҳамшиша сукут сақлаб юришга

касам ичиш (*мауна*)ни назарда тутаётганимиз йўқ. Сукут сақлаш қасамига риоя қилиб юриш қандайдир вақт мобайнида фойда бериши мумкин, лекин оқибат-натижада бу усул ҳеч қандай натижага олиб келмайди. Нуткни назорат қилиш деганда, Шрила Рупа Госвами ижобий *кришна-катҳа* усулини назарда тутяпти, бунда инсон ўзининг гапириш қобилиятидан Парвардигорни олқишлаш, Уни шарафлаб қўйлашда фойдаланади. Шундай қилиб, инсон ўзининг тилидан, гапириш қобилиятидан Парвардигорнинг муқаддас номларини, киёфала-рини, сифатларини ва илоҳий эрмакларини шарафлаб қўйлашда фойдаланиши мумкин. **Одамларга Худо ҳақидаги илми тарғибот қилиб юрган кишига ажал ўз ҳукмини ўтказма олмайди.** Шу боис ҳар бир содиқ ўз нутқини назорат қилишни ўрганиши жуда муҳим.

Нотинч ва тек-турмас ақл(*mano-vega*)ни фақат Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиш билан хотиржам қилиш мумкин. "Чайтанья Чаритамрита"(Мадхйа, 22.31)да шундай дейилган:

*кришна - сурйа-сама; майя хайа андхакара
йахан кришна, тахан нахи майара адхикара*

Парвардигор куёшга ўхшайди, *майя* эса, - қоронғу зулматга. Куёш бор жойда зулматга ўрин йўқ. Худди шундай, ақлимиз Парвардигор билан машғул бўлганда *майя* унинг хотиржамлигини буза олмайди. Йоглар ўргатганидай, ақлингиздан барча дунёвий ўй-фикрларни чиқариб ташлашга уриниш билан сиз ҳеч нарсага эриша олмайсиз. Ақлда бўшлиқ, вакуум ҳосил қилиш - ғайритабиий иш. Сиз бундай ҳолатни сақлаб тура олмайсиз. Аксинча, Худо ҳақида, Унга қандай қилиб яхшироқ хизмат қилиш ҳақида ўйлаб юриш билан сиз ҳеч қийналмасдан ақлингизни тўла назорат қила оласиз.

Худди шу йўл билан инсон ўзининг ғазабини ҳам бошқара олиши мумкин. Ғазаб туйғусини умуман йўқотишнинг иложи йўқ, лекин уни Худони ва Унинг содиқларини ҳақорат қилиб юрган одамларга қаратиш билан биз ғазабимизни ҳам Худо йўлида ишлатган, уни назорат қилган бўламиз. Масалан, Нитйананда Прабхуни ҳақорат қилган, Унга тан жароҳати етказган икки имонсиз ярамас Жагай ва Мадхайнинг ҳатти-ҳаракатлари Чайтанья Махапрабхунинг ғазабини келтирганди. *Тринад апи суничена тарор апи сахиншуна* - дейди Чайтанья Махапрабху ўзининг "Шикшаштака" асарида, яъни: "Инсон йўлдаги лозидан ҳам паст, дарахтдан ҳам сабрлироқ бўлиш ҳасил". Ундай бўлса, нимага Унинг ўзи ғазабланган? – деб савол беришингиз мумкин. Гап шундаки, биз ўзимизни қанча ҳақорат қилсалар ҳам чидам билан сабр қилиб туришимиз лозим, лекин, Худони ёки Унинг асл содиқ хизматкорини кимдир ҳақорат қилса, ҳақиқий содиқнинг ғазаби қайнайди ва у ўзининг ғазаб ўти билан ҳақорат қилган кишининг қулини кўкка совуради. *Кродха*, ғазаб туйғусидан бутунлай халос бўлишнинг иложи йўқ, лекин ундан тўғри фойдаланиш мумкин. Ғазаби келганда Хануман Ланка шаҳрига ўт қўйган эди, шунга қарамай биз уни Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори сифатида эъозлаймиз. Демак, у ўзининг ғазабидан тўғри фойдалана олган. Аржун ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. У аввалига жангда иштирок этишни истамаганди, аммо Кришна унинг ғазабини келтирди: "Сен албатта жанг қилишнинг керак!" Ғазабланмай туриб жанг қилишнинг иложи йўқ. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида фойдаланиб, ғазабни ҳам бошқариш мумкин.

Тилнинг(таъм билиш хусусияти(нафс)нинг) истақларига келсак, маълумки, тил ҳамиша ширин,

лаззатли нарсаларга интилади. Умуман олганда, тилнинг истаган нарсасини тотиб кўраверишига йўл қўймаслик керак; биз фақат прасад истеъмол қилиш билан тилимизни жиловлаб олишимиз лозим. Худонинг содиқлари фақат Парвардигор ўз таомидан қолдириб, прасад(марҳамат) қилганида(ўз марҳаматини кўрсатганида)гина овқатланадилар. Тилни шу тариқа жиловлаб олиш мумкин. Прасадни белгиланган маълум вақтда истеъмол қилиш лозим; тил ва қориннинг қули бўлиб, дуч келган ресторан ва кафеларда овқатланавермаслик керак. Ана шу қоидага қатъий риоя қилиш ҳамда фақат прасад билан овқатланиб юриш орқали биз қорнимиз ва тилимизнинг хуружини назорат қилиб олишимиз мумкин.("Ҳар нарсани емак бирла бўлмагин хайвон, Ҳар нарсани демак бирла бўлмагин нодон").

Худди шундай - ҳеч қандай заруратсиз жинсий аъзолардан фойдаланишни тарк этиш орқали –жинсий покликни сақлаш, шахвоний эҳтиросни жиловлаб олиш мумкин. Ҳақиқий инсон жинсий аъзоларидан Худога садоқат билан хизмат қиладиган фарзандларни дунёга келтиришдан бошқа бирор мақсадда фойдаланмаслиги лозим. Кришнани англаш Халқаро жамияти шахвоний эҳтиросни қондириш ниятида эмас, балки, фақат Худонинг асл содиқларини дунёга келтириш мақсадида оила қуришни қўллаб-қувватлайди. Фарзандларимиз улғайгач биз уларни *гурукула*(Худо ҳақидаги илм ўргатиладиган махсус мактаб)га жўнатамиз, фарзандларимиз Худони мукамал англаб етган комил инсон бўлиб етишишлари учун шу ерда уларга муносиб тарбия берадилар. Ҳозирги даврда инсониятга Худони англаб етган кўплаб комил инсонлар керак, фақат ана шундай комил инсонларни дунёга келтиришга қодир бўлган кишиларгагина жинсий аъзосидан фойдаланишга руҳсат этилади.

Худони англаб, ҳаётда Кришна онги билан яшаш доирасида ўзининг сезгиларини жиловлаш усулларини мукамал эгаллаб олган киши ҳақиқий руҳий устоз учун зарур бўлган барча фазилатларга эга бўлади.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Тхакур "Упадешамрита" асарини изоҳлаб ёзган "Анувритти" деган асарида айтадики, биз ўзимизни моддага киёслаганимизда қалбимизда ўзидан-ўзи уч турли истак юзага келади: гапириш истаги; ақлда пайдо бўладиган истаклар; тананинг истаклари. Ана шу истаклар изидан эргашиб кетган киши ўзининг нодир умрини ҳазон қилади. Бу истакларни жиловлаб олишга ҳаракат қилиб яшаётган киши эса, - *танасви*, яни "риёзат чекаётган киши" деб аталади. Бундай риёзат инсонни Худонинг ташқи, моддий қуввати асирлигидан халос этиб, озодлиқка чиқаради.

"Гапириш истаги" деганда биз майявади-имперсоналист файласуфларнинг бемаъни сафсаталарини, моддий фаолият(*карма-канда*) билан машғул бўлиб юрган дунёвий одамларнинг бекорчи гапларини, шунингдек, бу дунёда яшашдан ягона истаги - иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолишдан иборат бўлган иймонсиз одамларнинг ўзаро суҳбатларини назарда тутамиз. Уларнинг ҳамма гаплари ҳамда улар яратган асарларнинг ҳаммаси - шунчаки гапириш истагининг намоён бўлишидан бошқа ҳеч нарса эмас. Шунчаки тўйиб гапириб олиш истагини қондириш учун одамлар ҳар хил бемаъни мавзуларда туну-кун суҳбатлашадилар, ҳеч қандай маъноси бўлмаган минглаб китобларни чоп этадилар. Тилнинг ана шу истагини жиловлаб олиш учун инсон ҳамиша Парвардигор ҳақидаги мавзуларда гапириши

лозим. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"(1.5.10-11)да шундай дейилган:

*на йад вачаш читра-падам харер йашо
жагат-навитрам прагринита кархичит
тад вайасам тиртхам ушанти манаса
на йатра хамса нирамантй ушиккшайах*

"Ягона Ўзи бутун оламни муқаддас саждагоҳга айлантиришга қодир бўлган Парвардигорни шарафлаб-қуйлашдан бошқа гапларнинг ҳаммаси, авлиё зотларнинг фикрига кўра, қарғалар мажлисининг шовқинига ўхшайди. Бундай жойларда комил инсонлар ҳеч қандай мамнуният ҳосил қилолмайдилар, чунки уларнинг даргоҳи - илохий салтанатдир".

*Тад-ваг-висарго жанатагха-виплаво
йасмин прати-илокам абадхаватй апи
наманй анантасйа йашо "нкитани йат
шринвати гайанти гринантаи садхавах*

"Айни пайтда, чексиз қудрат соҳиби бўлган Парвардигорнинг номларини, шон-шухратини, қиёфаларини ва эрмакларини таърифлайдиган гаплардан иборат бўлган асарлар – умуман бошқа табиатга эга. Бундай асарлар илохий сўзлардан тузилган бўлиб, уларнинг мақсади - ҳақиқат йўлидан адашган маданиятсиз одамлар жамиятидаги ғофил инсонларнинг маънавий ҳаётида кескин бурилиш ясашдан иборат. Бундай асарлар, ҳатто, шаклан муқаммал бўлмаса ҳам, қалби бенуқсон пок инсонлар уларни мамнуният билан ўқийдилар, тинглайдилар ва қабул қиладилар".

Шундай қилиб, фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапириш ёрдамида инсон бемаъни қуруқ гап, сафсаталардан ўзини тийиб юра олади. Инсон ўзининг гапириш қобилиятидан фақат Худони англаб етиш йўлида фойдаланиши лозим.

Нотинч, беҳаловат ақлнинг келтирадиган ташвишларини икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифа ташвишлар - *авиродха-прити* - чекланмаган боғланишлар, иккинчи тоифа ташвишлар - *виродха-йукта-кродха* - ҳафсала пир бўлиши туфайли юзага келадиган ғазаб деб аталади. Майявадиларнинг фалсафага бўлган боғланиши, *карма-вадиларнинг* ўз меҳнатининг натижасига бўлган ишончи, одамлардаги ўзининг моддий истакларга асосланган режаларига бўлган ишончи *авиродха-прити* тоифасига мансуб ташвишлардир. Одатда билимдон *гйанилар*, *кармилар* ва бадавлат иймонсизлар шартланган руҳларнинг эътиборини ўзига жалб этадилар, лекин, ана шундай дунёвий одамларнинг тузган режалари барбод бўлиб, кўзлаган мақсадларига эришолмай қолганида, улар ҳафсаласи пир бўлиб, каттик ғазабланадилар. Дунёвий орзу-истакларини рўёбга чиқариш йўлида бекорга зўр бериб интилиш натижасида инсон қалбида ғазаб туйғуси юзага келади.

Худди шунингдек тананинг эҳтиёжларини ҳам уч тоифага бўлиш мумкин - тилнинг эҳтиёжлари, жинсий аъзоларнинг ҳамда қориннинг эҳтиёжлари. Мана шу аъзоларнинг ҳаммаси танада бир тўғри чизик бўйлаб жойлашганини кўрамиз. Тананинг эҳтиёжлари тил(оғиз)дан бошланади. Тилининг талабини фақат *прасад* еб юриш билан қондириб, тил(оғиз)ини жиловлаб олган киши, айни пайтда, қорни(нафси)ни ҳам, жинсий аъзоларини ҳам назорат қилиб юрган

бўлади. Бу борада Шрила Бхактивинода Тхакур шундай дейди:

*шарира абидйа-жал, жодендриия тахе кал,
дживе пхеле вишайа - сагоре
та "ра мадхйе жихва ати, лобхамой судурмати,
та" ке джета катхина самсаре
кришина баро доймайа, корибаре джихва джай,
сва-прасад-анна дило бхаи
сеи аннамрита кхао, радха-кришина-гуна гао,
преме дака чайтанйа-нитай.*

"Эй азиз Худойим! Бу моддий тана - ғофиллик тугунидир, сезгиларимиз эса, – бизни ажал домига элтувчи сўқмоқлардир. Тақдир тақозоси билан биз ҳиссий лаззатлар уммонига ғарқ бўлганмиз, барча сезги аъзолари орасида тил - тўйдириш, жиловлаш мушкул бўлган очофат сезги ҳисобланади. Бу дунёда тил(нафс)ни тийиб туриш жуда қийин, лекин, эй Парвардигор, Сен бизларга жуда меҳрибонсан. Очофат нафсимизни жиловлай олишимиз учун Сен бизларга марҳамат кўрсатиб, Ўзингнинг ғаройиб прасадингни юбординг; келинг, Шри Шри Радха ва Кришнага ҳамду-санолар айтиб, ҳамда Парвардигор Чайтанйа ва Прабху Нитйанандага муҳаббат билан "Чайтанйа! Нитай!" дея мурожаат қилиб, мана шу ширин Кришна-прасаддан тўйгунча лаззатланиб тановул қилайлик".

Олти турли таъм мавжуд бўлиб, ана шу таъмларнинг бирортасига боғланиб қолиш билан киши ўз тили(нафси)нинг қулига айланиб, унинг талабларига боғланиб қолади. Бировлар гўшт, балиқ, тухум, қисқичбақа сингари, уруғлик ва қондан пайдо бўладиган, бузила бошлаган жасад кўринишида истеъмол қилинадиган маҳсулотларни ёқтиради. Бошқа бировлар сабзавотларни, кўкатлар-ни, шпинат ва сутли таомларни ёқтиради, лекин барибир буларнинг ҳаммасини инсон фақат тили(оғзи, қорни)нинг истагини амалга ошириш учун истеъмол қилади. Ҳаётда фақат Худони мамнун қилиш учун яшаб юрган содиқлар ўзларининг сезги аъзоларини лаззатлантириш учун истеъмол қилинадиган, масалан, *чили* ва *тамаринда* сингари, маҳсулотларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилишни тарқ этишлари лозим. *Харитака*, бетель ёнғоғи ва барглари ҳамда *пана* тайёрлаш учун ишлатиладиган зирворлар, тамаки, марихуана, спиртли ичимликлар, кофе, чай сингари нарсаларни истеъмол қилиш - тил(нафс)нинг қули бўлиб, тана фаолияти учун мутлақо кераксиз бўлган нарсаларга боғланиб қолиш демақдир. Агар инсон фақат аввал Парвардигорга таклиф этилган таомлар билан овқатланишга одатланса, у осонлик билан *майя*, алданиш чангалидан қутула олади. Парвардигорга қандай маҳсулот, таомлар таклиф қилиш мумкинлигини Унинг Ўзи айтган: мева ва сабзавотлар, дон маҳсулотлари, сут маҳсулотлари ҳамда сув. Лекин, агар шунчаки ширин бўлгани учун ҳар қуни керагидан ортиқча *прасад* еб юрган бўлсангиз, сиз ҳам нафсингизнинг қули бўлиб қолган, унинг истакларини бажариб юрган бўласиз. Шри Чайтанйа Махапрабху бизларга ҳатто *прасад* қабул қилганда ҳам, жуда ширин таомларни кўп истеъмол қилмасликни маслаҳат берган. Кейин ўзимиз мазза қилиб лаззатланишни ўйлаб Илоҳларга ширин-ширин таомлар таклиф қилиш билан биз аслида ўз нафсимизнинг истакларини бажаришга уриниб юрган бўламиз. Ширин-ширин таомлар билан меҳмон қилади, деган ниятдаЮ бадавлат кишиларнинг таклифини қабул қилиб, уларнинг уйига бориш билан

хам ўз нафсимизнинг истагини бажариб, унинг кули бўлиб юрган бўламиз. "Чайтанья Чаритамрита"(6.227)да шундай дейилган:

*жихвара лаласе йеи ити-ути дхайа
ишинодара-параiana кришна нахи пайа*

"Тилига лаззат берадиган нарсаларни излаб ҳар ерда санғиб юрган, қорнининг ва жинсий аъзоларининг ҳар қандай истакларини дарров амалга оширишга интилиб юрган киши ҳеч қачон Худога эриша олмайди".

Аввал айтганимиздай тил, қорин ва жинсий аъзолар танада бир чизик бўйлаб жойлашган ҳамда бир хил тоифага мансуб ҳисобланади. Парвардигор шундай деган: *бхала на кхаибе ара бхала на парибе*, яъни **"Ҳеч қачон қимматбаҳо чиройли кийимлар кийманг, тансиқ таомлардан еманг!"**(ч.ч. Антия, 6.236).

Юқорида айтилган гаплардан хулоса қилиб, тушуниб олиш мумкинки, қориннинг катталиги – инсон ўз нафсини жиловлай олмаслигининг белгиларидан бири. Керагидан ортиқча овқат истеъмол қилиш билан биз ўзимиз учун шунча муаммоларни юзага келтираемиз. Лекин, рўза тутиш, масалан, экадаши ҳамда Жанмаштаи сингари байрам кунлари оч юриш билан қориннинг истакларини жиловлаб, унинг фаолиятини тўлиқ назорат қилиш мумкин.

Шунингдек, жинсий аъзоларнинг истаклари ҳам икки хил бўлади - таъқиқланган ва руҳсат этилган, шу боис, жинсий алоқалар ҳам икки тоифа бўлади - қонуний ва ноқонуний. Балоғат ёшига етгандан кейин эркак киши муқаддас китобларда кўрсатилган қоидалар асосида никоҳ маросими орқали ўтиб уйланиши ва муносиб фарзандларни дунёга келтириш мақсадида жинсий аъзоларидан фойдаланиши мумкин. Мана шу маданиятли инсонлар яшайдиган жамият қонунларига ҳам, диний қонунларга ҳам тўғри келади. Лекин, одамлар аксарият ҳолларда шахвоний эҳтиросга берилиб, ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмасдан, чекланмаган миқдорда, ҳар хил ғайритабиий усуллар билан жинсий аъзоларининг истакларини қондириш билан машғул бўладилар. Муқаддас китобларда жинсий алоқа ҳақида ўйлаш, жинсий алоқа қилишни режалаштириш, жинсий алоқа ҳақида суҳбатлашиш, жинсий алоқа қилиш ва жинсий аъзоларни сунъий йўллар билан лаззатлантириш ноқонуний, таъқиқланган жинсий алоқа турлари ҳисобланади. Мана шундай ишлар билан шуғулланиб юрган ҳар қандай инсон *майя* чангалида юрган киши ҳисобланади. Бу қоидалар фақат оилали кишилар учун эмас, балки таркидунё қилган *тйага*, яъни, таркидунё қилган *саннийаси (зоҳид)*ларга ҳам бирдай тааллуқли ҳисобланади. Шри Жагадананда Пандит ўзининг "Према-виварта" асарининг еттинчи бобида шундай деб ёзади:

*ваираги бхаи грамйя-катха на шунйе кане
грамйя-варта на кахибе йабе милибе ане
свапане о на кара бхаи стри-самбхашана
грихе стри чхадийа бхаи асийачха вана
йади чаха пранайа ракхите гаурангера сане
чхота харидасера катха тхаке йена мане
бхала на кхаибе ара бхала на парибе
хридайете радха-кришна саррвада севибе*

"Эй оғайни, таркидунё қилиб яшашга қасам ичгандан кейин сен дунёвий суҳбатларга қулоқ солмаслигинг, бошқалар билан учрашганда шундай суҳбатларга берилиб кетмаслигинг керак. Ҳатто

тушингда ҳам аёллар ҳақида ўйлама. Таркидунё қилиш билан сен аёллар билан ҳатто ҳамсуҳбат бўлмасликка қасам ичгансан. Агар сен Чайтанья Махапрабху билан ҳамсуҳбат бўлишга интиланг, Парвардигор юз ўгирган Чхота Харидас воқеасини ҳаминша эсингда сақла. Ҳеч қачон тансиқ таомлар истеъмол қилма, чиройли либослар кийма, ҳаминша камтарин ҳолда қалбининг тўрида Шри Шри Радха-Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юр!"

Шундай қилиб, сезгиларини, яъни мана шу олти сезги - нутқини, ақлини, ғазабини, тилини, қорини ва жинсий аъзосини жиловлаб олган, уларнинг фаолиятини назорат қила оладиган кишини *свами* ёки *госвами* деб аташ керак. *Свами* ибораси "хўжайин" деганни, *госвами* ибораси эса, - *го*, яъни "сезгиларининг хўжайини" деган маънони англатади. Таркидунё қилган киши *свами* унвонига эга бўлади. Бу унвон у ўз оиласининг, табақасининг ёки жамоасининг ҳукмдори эканини англатади. У албатта ўз сезгиларининг хўжайини бўлиши лозим. Сезгиларини жиловлай олмаган кишини *госвами* эмас, балки *го-дас*, яъни "сезгиларининг хизматкори, нафсининг кули" деб аташ керак. Вриндаванлик олти Госвами изидан бориб, барча *свами* ва *госвамирлар* ўзларининг бутун ҳаёт-фаолиятини Парвардигорга илохий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бағишлашлари лозим. Аксинча, *го-дас*лар эса, ё ўзларининг сезгиларига, ёки моддий оламга хизмат қиладилар. Уларнинг бундан бошқа иши йўқ. Прахлад Махараж *го-дас* иборасининг мазмунини тушунтирар экан, бундай одамни *аданта-го*, яъни "ўзининг сезгиларини бошқара олмайдиган киши" деб айтади. *Аданта-го* Кришнанинг содиқ хизматкори бўла олмайди. "Шримад Бхагаватам"(7.5.30)да Прахлад Махараж шундай дейди:

*матар на кришне паратах свато ва
митхо "бхипадйета грихавратанам
аданта-гобхир вишатам тамантрам
пунах пунаш чарвита-чарвананам*

"Ҳиссий лаззатларга берилиб яшаш учун моддий оламда узоқ умр кўришга интилиб юрган кишилар ҳеч қачон Худони англай олмайдилар, бу йўлда уларга на ўзларининг уринишлари, на бошқаларнинг насиҳатлари, на давра суҳбатлари ёрдам бера олмайди. Жиловланмаган сезгилари уларни ғофиллик, жаҳолат оламининг энг қоронғу жойларига судраб кетади ва улар ақдан озган ҳолларида "чайналган нарсани чайнаш" билан машғул бўлиб кун кечириб юрибдилар".

Иккинчи мантра

*атйахарах прайасаи ча
праджалто нийамаграхах
жана-сангаи ча лаулиам ча
шадбхир бхактир винаийати*

"Олти турли фаолият содиқнинг Худога садоқат билан хизмат қилишига салбий таъсир кўрсатади: 1. кўп овқатланиш, ортиқча мол-дунё ва пул тўплаш; 2. эришиш қийин бўлган дунёвий орзуларни рўёбга чиқаришга жон-жаҳди билан уриниш; 3. дунёвий мавзулардаги бекорчи суҳбатларга берилиш; 4. муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига рухий

юксалишга эришиш учун эмас, балки уларнинг мохиятини тушунмасдан, кўр-кўрона амал қилиш ёки ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмаслик, ишончли мўътабар зотларнинг кўрсатмаларини тан олмасдан, ўз билганича яшаш; 5. Худога ишонмайдиган иймонсиз одамлар билан ҳамсухбат бўлиш; 6. дунёвий ишларда муваффақият қозонишга интилиш”.

Изоҳ: Инсоннинг бурчи - оддий яшаш ва улуғвор фикрлаш. Шартланган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг учинчи қувватининг ҳукми остида яшайдилар, моддий олам эса, шундай яратилганки, ундаги ҳар бир тирик мавжудот албатта ҳаракат қилишга, ишлашга мажбур. Парвардигорнинг қудратини, қувватини асосан уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифа қувват *антаранга-шакти*, яъни, “ички қувват”, иккинчи тоифа - *татастха-шакти*, яъни “оралиқ қувват”, учинчи тоифа қувват - *бахиранга-шакти*, яъни “ташқи қувват” деб аталади. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг оралиқ қувватини ташкил этади ва Унинг ички ва ташқи қувватининг ўртасида жойлашган. *Живатмалар*, кичик рухий заррача бўлган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг мангу хизматкорлари сифатида ҳамиша Унга бўйсунган ҳолатда, шу боис улар ҳамиша ё ички, ё ташқи қувват назорати остида бўладилар. Парвардигорнинг ички қуввати назорати остида бўлган тирик мавжудотлар ҳамиша ўз табиатига мос бўлган табиий фаолият - Худога хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрадилар. Бу ҳақда "Бхагавад-гита"(9.13)да ҳам айтилган:

*махатманас ту мам партха
даивим пракритим ашритах
бхаджантӣ ананӣа-манасо
жнатва бхутади́м авӣайам*

"Эй Притхининг ўғли, алданиш чангалидан озод бўлган буюк зотлар илохий табиат назорати остида бўладилар. Улар ўзларини Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлайдилар, чунки улар Мен - азалий ва туганмас Парвардигор, Худонинг Олий Шахси эканимни биладилар".

махатма ибораси улуғвор шахсни билдиради. Оддий одамларни ундай деб бўлмайти. Ҳамиша ўз сезгиларининг талабларини қондириш билан машғул бўлиб юрган оддий одамлар баъзан гуманизм, социализм, альтруизм сингари бирор "изм" орқали бошқаларга яхшилик қилиш учун ўзларининг фаолият доирасини кенгайтиришлари мумкин. Бошқаларнинг, масалан, оила аъзоларининг, ёки бирор давлат ёки бутун миллат ёки ўз жамоаси аъзоларининг, ёки бутун жаҳон аҳлининг сезгилари талабларини қондириш учун улар баъзан ўз сезгиларининг талабини қондиришдан воз кечишлари мумкин. Аслида бу ҳам ҳиссий лаззатланишнинг давоми холос, фарқи шундаки, у ўз сезгилари ўрнига қайсидир бир гуруҳ ёки жамиятнинг сезгиларини лаззатлантиришга уринади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган дунёвий одамлар нуқтаи-назаридан бундай фаолият юксак қадрланади, аммо рухий жиҳатдан қараганда бундай фаолиятнинг ҳеч қандай маъноси, қадри йўқ. Бундай фаолиятнинг асосий мохияти бир кишининг ёки кўпчиликнинг моддий сезгиларини лаззатлантириш-дан иборат. Фақат Парвардигорнинг сезгиларини лаззатлантиришга, Худони мамнун қилишга интилиб юрган улуғвор, буюк шахсларни *махатма* деб аташ мумкин.

Юқорида "Бхагавад-гита"дан келтирилган мантрадаги *даивим пракритим* ибораси Парвардигорнинг ички қувватининг, яъни Унинг лаззатланиш қувватининг назорат қилишини назарда тутади. Лаззатланиш қуввати ўзини Шримати Радхарани қиёфасида, ёки Унинг экспансияси бўлган равнақ фариштаси Лакшми қиёфасида намоён этади. Парвардигорнинг ички қуввати назорати остида бўлган алоҳида тирик мавжудот(*жива*)лар фақат Вишнуни, яъни ягона Парвардигорни мамнун қилиш билан машғул. *Махатмалар*нинг ўзгармас ҳолати ана шундай. *Махатма* бўлмаган одам эса, *дуратма*, яъни "калтафаҳм одам" деб аталади. *Дуратмалар*, яъни, рухий ўзлигини англаб етмаган калтафаҳм одамлар Парвардигорнинг ташқи қуввати, *маха-майя* назорати остида бўладилар.

Аслини олганда, моддий оламда яшаётган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси *махамайя* назорати остида яшайдилар. *Махамайя*нинг вазифаси - тирик мавжудотларни уч турли азоб-уқубатларга дучор қилишдан иборат: *адхидаивика-клеша*(фаришталар томонидан келадиган қурғоқчилик, зилзила сингари табиий офатлар сабабли юзага келадиган азоб-уқубатлар), *адхихаутика-клеша*(бошқа тирик мавжудотлар, масалан, душманлар ёки ҳашаротлар томонидан келадиган азоб-уқубатлар), *адхйатмика-клеша*(инсоннинг танаси ва ақли келтирадиган, яъни рухий ва жисмоний азоблар). *Даива-бхутатма-хетавах:* **"Тирик мавжудотларнинг сон-саноксиз мусибатларининг сабабчиси - ўз ҳукми остидаги шартланган руҳларни уч турли азоб-уқубатларга дучор қиладиган ташқи қувватдир".**

Шартланган руҳлар дуч келадиган асосий муаммо - бетиним айланиб келаверадиган тўғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар муаммосидир. Моддий оламда яшар экан, инсон жон(руҳ)ини танасида сақлаб туриш учун ишлаши керак. Лекин у, ўзининг ана шу фаолияти айни пайтда Худони англаб етишга ҳам ёрдам бериши учун қандай қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаши керак? Танамизнинг ҳаётини таъминлаб туриш учун бизга озиқ-овқат, кийим-кечак, пул ва бошқа нарсалар керак, лекин бу нарсаларни тананинг эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлганидан ортиқча тўплашга ҳаракат қилмаслик керак. Агар инсон мана шу оддий табиий қоидага амал қилиб яшаса, тананинг ҳаётини таъминлаб туриш жуда осон бўлади.

Табиат шундай тузилганки, эволюцион ривожланишнинг пастки поғоналарида турган тирик мавжудотлар ҳеч қачон керагидан ортиқча емайдилар ҳам, ортиқча нарсаларни тўпламайдилар ҳам. Шу боис ҳайвонот оламида иктисодий муаммо юзага келмайди, уларда ҳаёт учун ҳаммага ҳамма нарса етарли. Агар кўчага бир қоп гуруч чиқариб қўйсангиз, қушлар келиб ундан бир неча дон чўқилаб учиб кетадилар, одамлар эса, гуручнинг ҳаммасини қопи билан кўтариб кетадилар. Инсон қорни тўйганча ейди, қолганини эса, эртаги қуни учун сақлаб олиб қўяди. Муқаддас китобларда инсоннинг эҳтиёжидан ортиқча мол-дунё тўплаши таъқиқлаб қўйилган(*атиахара*). Ана шу қонданнинг бузилиши сабабли ҳозир бутун инсоният мусибат чекапти.

Бундан ташқари, керагидан ортиқча овқатланадиган, керагидан ортиқча мол-дунё тўплайдиган киши, албатта, кераксиз бехуда ҳаракатлар қилишга мажбур бўлади(*прайаса*). Парвардигор бу оламни шундай яратиб қўйганки, инсон дунёнинг қайси бурчагида яшашидан қатъий-назар, агар бир парча ери ва битта соғин сигири бўлса, тинчгина осойишта ҳаёт кечира

олади. Тирикчилик қилиш учун албатта қаерларгадир кетиб, ишлаб пул топиш шарт эмас: ҳамма жойда дон етиштириш ҳамда сигирдан сут олиш мумкин. Бу билан барча иктисодий муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Инсонга ривожланган тафаккур, ақл-идрок ато этилган, бу унга қалбида илоҳий онгни ривожлантириш, Худони таниш, У билан ўзаро муносабатларини англай олиш ҳамда энг олий мақсадга – қалбида Худога муҳаббат уйғотиш имконини беради. Афсуски, ўзларини маданиятли деб биладиган дунёвий одамлар Худони англашга умуман эътибор бермасдан, ўзининг юксак ривожланган ақл-идрокидан фақат ортиқча мол-дунё тўплаш ҳамда шунчаки тили(нафси)нинг талабини кондириш ниятида керагидан ортиқча овқатланиш учун фойдаланадилар. Бутун жаҳондаги барча одамларнинг дон ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кондириш учун Парвардигор бу оламда барча шароитларни яратиб қўйибди, лекин, ўзининг ақл-идрокидан Худони англаб етишда фойдаланиш ўрнига, ўзларини билимдон деб ҳисоблайдиган ҳозирги одамлар ўз ақлидан мутлақо кераксиз, ҳатто зарарли нарсаларни ишлаб-чиқариш учун фойдаланяптилар. Натижада Ер юзида ҳар хил завод-фабрикалар, саллоҳ(қуш)хоналар, фоҳиша-хона ва майхоналар пайдо бўляпти. Ортиқча мол-дунё тўпласликка, керагидан ортиқ еб-ичмасликка, тана учун ортиқча қулайликлар яратишга кўп куч ва маблағ сарфламасликка чақирсангиз, ғофил одамлар буни одамларни "ибтидоий жамоа тузумига қайтаришга уриниш" деб қабул қиладилар. Одамларнинг аксарият кўпчилиги улуғвор фикрлаб, оддий яшашни истамайдилар. Уларнинг бахтсизлиги ҳам мана шунда.

"Шримад Бхагаватам"(1.2.9)да Сута Госвами инсоннинг ҳақиқий бурчи (*дхарма*) қандай бўлиши кераклигини тушунтириб берган:

*дхармасйа хй апаваргйасйа
нартхо "ртхайонакалпате
нартхасйа дхармашкантасйа
камо лабхайа хи смритах*

"Муқаддас китобларда кўрсатилган ҳар қандай фаолият инсонни моддий олам тутқунлигидан бутунлай озодликка чиқаришдан бошқа бирор мақсадни кўзламайди. Бундай фаолият билан ҳеч қачон моддий манфаат кўзлаб шуғулланмаслик керак. Ана шундай улуғвор руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган киши ҳеч қачон эришган моддий бойлигидан сезгиларининг талабларини яхшироқ кондириш йўлида фойдаланмаслиги керак".

Маданиятли жамият сари қўйиладиган биринчи кадам - муқаддас китобларда кўрсатилган вазифаларни бажариб яшашдан иборат. Инсон ўзининг юксак даражада ривожланган онгидан бу дунёда ўзининг асосий бурчи, вазифа(*дхарма*)си нимадан иборат эканини аниқлаб олиш учун фойдаланиши лозим. Инсонлар жамиятида диний фаолиятнинг турли кўринишлари мавжуд - индуизм, христианлик, иудаизм, буддизм, ислом ва ҳоказо, чунки динсиз одамлар хайвонлардан фарқ қилмайди.

Аввал айтганимиздек(*дхармасйа хй апаваргйасйа нартхо "ртхайонакалпате*), **диннинг асосий мақсади одамларнинг қорнини тўйғазиш эмас**, балки уларни **руҳий озодликка чиқаришдан** иборат. Вақти-вақти билан одамлар дин ёрдамида моддий тараққиётга эришиш ниятида ҳар хил сохта диний таълимотлар яратадилар, аммо бундай сохта динларнинг ҳақиқий дин, ҳақиқий дхарманинг мақсадига ҳеч қандай алоқаси йўқ. **Дин инсонни Худонинг қонунларини англаб**

етишга олиб келиши лозим, чунки Худонинг қонунларига тўғри риоя қилиб яшаш билан биз охири-оқибатда моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқа оламиз. Диннинг ҳақиқий мақсади шундан иборат. Афсуски, моддий фаровонликка(*амйахара*) эришишга қаттиқ интилаётган одамлар диний фаолиятни ҳам "моддий фаровонликка эришиш йўлларида бири" деб биладилар. Лекин, ҳақиқий дин одамларни фақат ҳаёт учун зарур бўлган эҳтиёжларни кондириб яшаш билан қаноатланиш ҳамда Худони англаб етишга, илоҳий онгни ривожлантиришга чақиради. Албатта, маълум даражада моддий фаровонлик ҳам керак, лекин ҳақиқий дин қонунлари уни тирикчилик қилиш учун зарур бўлган эҳтиёжларни-гина кондириш билан чеклаб қўйган. *Живасйа таттва-джджнана* - **"Инсон бўлиб яшашдан мақсад - Мутлақ Ҳақиқат ҳақида савол бериш"**. Агар уринишларимиз(*прайаса*) Мутлақ Ҳақиқат ҳақида савол беришга қаратилмаган бўлса, биз сезгиларимизнинг мутлақо керак бўлмаган сунъий талабларини кондиришга тобора кўпроқ куч сарфлаб юраверамиз. Руҳий юксалиш йўлидан бораётган киши ўз кучини, умрини дунёвий орзу-ҳавасларга сарфлаб юрмаслиги керак.

Руҳий юксалишга тўсқинлик қиладиган ишлардан яна бири *пражалпа*, яъни, бекорчи суҳбатлар ҳисобланади. Танишларимиздан бирорта-сини учратиб қолган захоти, худди қуриллаётган қурбакаларга ўхшаб, дарров ҳар хил бемаъни савол-жавоблардан иборат суҳбатга берилиб кетамиз. Агар гапириш керак бўлса, Худони англаш, Худонинг хоҳиши ҳақида гапириш керак. Худобехабар одамлар ҳар куни сон-саноксиз газета-журналлар, турли китоблар ўқийдилар, кроссвордлар ечадилар ва мутлақо бемаъни бўлган бошқа ишлар билан шуғулланиб юрадилар. Шу тариха одамлар ўзларининг бебаҳо вақтини, кучини бекорга сарфлаб, умрини хазон қиладилар. Ғарбий давлатларда кексайган кишилар нафақага чиққандан кейин умрини карта, нарда ўйнаб, балиқ тутиб, телевизор кўриб, сиёсат ҳақида бемаъни баҳс-мунозараларга берилиб ўтказадилар. Ана шундай бемаъни ишларнинг ҳаммаси *пражалпа* тоифасига қирадиган амаллардир. Парвардигорни танишга, Худонинг хоҳиши билан яшашга жиддий интилиб юрган киши бундай бемаъни фаолиятлар билан шуғулланмас-лиги лозим.

Джана-санга ибораси "иймонсиз одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш" деган маънони англатади. Бундай суҳбатларни бутунлай тарк этиш керак. Шрила Нароттама дас Тхакур бизга фақат Худонинг содиқлари билан яшашни маслаҳат берган(*бхакта-сане васа*). Биз ўзимизнинг бутун вақтимизни Худонинг содиқлари даврасида Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга сарфлашимиз лозим. Ҳамфикр, ҳамкасб одамлар билан бирга юриш шарофати билан инсон ўз фаолиятида тезроқ муваффақиятга эришади. Шунини яхши билган дунёвий одамлар, биргаликда ҳаракат қилиш учун ҳар хил жамиятлар, клублар ташкил этганлар. Масалан, бизнес оламида фонд биржалари, савдо палатаси сингари жамоалар бор. Шу боис, биз ҳам одамларнинг Худони англаб етишларига ёрдам бериш мақсадида, уларга ҳамшиша Худони эслаб юрадиган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятини яратиб бериш учун "Қришнани англаш Халқаро жамиятини" тузганмиз. Қришнани англаш Халқаро жамияти таклиф қиладиган руҳий суҳбатлар кундан-кунга кенгайиб, ривожланиб борапти. Ер шарининг турли жойларида яшайдиган кўплаб одамлар қалбида мудраб ётган илоҳий онгни уйғотиш ниятида бу жамиятга қўшиляптилар.

Шрила Бхактисиддхантa Сарасвати Тхакур ўзининг "Анувритти" асарида сафсатабоз файласуфларнинг илм олишга бўлган интилишларини ҳам *атйахара* (кўпроқ мол-дунё тўплаш) тоифасига киритган. "Шримад Бхагаватам"да бундай файласуфларнинг Худони англаш илмидан йироқ бўлган турли чалкаш сафсаталардан иборат сон-саноксиз китоблар ёзиб юриш фаолияти "мутлақо бемаъни ва фойдасиз фаолият" деб кўрсатилган. Иқтисодий ривожланиш муаммолари ҳақида сон-саноксиз китоблар ёзиб юрган *карми*ларнинг фаолияти ҳам *атйахара* тоифасига киради. Худони англаш билан кизикмайдиган одамларнинг ҳаммаси ўзининг моддий бойлигини - дунёвий илмини ёки мол-дунёсини оширишга интиладилар.

Дунёвий одамлар фақат кейинги ҳаётида қандай шароитга тушиб қолишини билмагани сабабли ўзидан оила аъзоларига иложи борича кўпроқ мол-дунё қолдиришга интилиб тиним билмасдан туну-кун меҳнат қиладилар. Ягона мақсад - ворисларига кўпроқ мол-дунё қолдиришни ўйлаб юрган бу ғофил нодон одамлар ўлганидан кейин қандай шароитга тушиб қолиши ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бир бой-бадавлат имонсиз киши фарзанд-ларига жуда катта мол-дунё қолдириб, кейинги ҳаётида *карма* қонунига кўра, ўғиллари учун ўзи қуриб кетган катта иморатга яқин жойда яшайдиган этикчи оиласида туғилди. Этикчи аввалги ҳаётида ўзи қурган ҳашаматли уйнинг эшиги олдида борганида, ўзининг чеваралари уни ўзининг эски қилишлари билан дўппослаб уриб, ҳайдаб юборганлар. Токи *карми* ва *гйани*лар қалбида Худони англашга ихлос уйғонмас экан, улар шу тарзда ўз умрини мутлақо бефойда, бемаъни ишларга сарфлаб юраверадилар.

Бир лахзалик ўткинчи фойда кўриш ниятида муқаддас китобларнинг баъзи қонун ва кўрсатмаларига амал қилиш *нийама-аграха* деб аталади. Рухий юксалишга эришиш учун мўлжалланган қонун-қоидаларга риоя қилмаслик эса, *нийама-аграха* деб аталади. *Аграха* ибораси "қабул қилиш истаги" деганни, *аграха* ибораси эса - "инкор этиш" деб аталади. *Нийамаграха* ибораси ана шу иборалардан бирига *нийама* (қонун-қоидалар) иборасини кўшиш билан ясалади. Шундай қилиб, *нийамаграха* ибораси икки хил маънони англатади. Қалбида илоҳий онг уйғотишга интилиб юрган содиқлар муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига моддий фаровонликка эришиш ниятида риоя қилмаслиги керак, лекин улар қалбида илоҳий онгни ривожлантириш учун муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига қатъий амал қилишлари лозим. Худонинг содиқлари инсон ҳаётини тартибга соладиган кўрсатмаларга қатъий риоя қилишлари, яъни зино қилмаслиги, гўшт, тухум, балиқ, маст қилувчи нарсалар истемол қилмаслиги, кимор ўйнамаслиги лозим.

Шунингдек, Худонинг содиқларини, вайшнавларни ҳақорат қиладиган майявадилар билан ҳам ҳамсуҳбат бўлмаслик керак. *Бхукти-ками* - дунёвий бахтга интилиб юрганлар, *мукти-ками* - рухий озодликка эришиб, Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Брахман борлигига кўшилиб кетишга интилиб юрганлар, *сиддхи-ками* - сеҳрли-йога илмини мукаммал эгаллашга интилиб юрганлар - ҳаммаси *атйахара* тоифасига киради. Ана шундай одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш содиқнинг рухий юксалишига жуда катта салбий таъсир қилади.

Сеҳрли-йога илмини мукаммал эгаллаш, шахсиятсиз Брахман борлигига кўшилиб кетиш ёки сезгиларимиз талабларини кўпроқ қондириш имконини берадиган моддий фаровонликка эришиш ёрдамида ўзининг онгини юксалтиришга интилиш - очкўзлик (*лаулийам*) туйғусининг намоён бўлишидир. Дунёвий муваффақиятларга ёки сохта рухий юксалишга эришиш мақсадида амалга ошириладиган ҳар қандай уринишлар содиқнинг қалбида илоҳий онг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Коммунистлар ҳам, капиталистлар ҳам Шрила Рупа Госвамиининг ана шу насиҳатларига амал қилиб, атайахарадан йироқ юрмагани сабабли ҳозирги даврда улар орасида ҳар хил уруш-жанжаллар юзага келяпти. Капиталистлар керагидан анча ортиқ бўлган мол-дунёни қўлга киритиб олганлар, коммунистлар эса, - уларнинг гуллаб-яшнаётганига ҳасад қилиб, уларнинг ҳамма бойликларини, мол-мулкни тортиб олиб, мусодара қилишга ҳаракат қиладилар. Афсуски, коммунистлар ҳам моддий бойликларни тақсимлаш муаммосини қандай ҳал қилишни билмайдилар. Шу боис, ҳатто капиталистларнинг ҳамма бойликлари коммунистлар қўлига ўтса ҳам, барибир муаммо ҳал бўлмай қолаверади. Бундай бефойда фалсафалардан фарқли равишда "илоҳий онг билан яшаш" ғояси ҳамма бойликлар ягона Парвардигорники эканини эътироф қилади. Токи бутун бойликлар ягона Парвардигор ҳукмига берилмас экан, инсоният ҳеч қачон иқтисодий муаммолардан қутула олмайди. Бойликларни коммунистлар ёки капиталистлар қўлига топшириш билан иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Йўлда ётган юз долларни кўриб, бир киши уни олиб чўнтагига солади. Бунда у ноҳақлик қилган бўлади. Йўлда пул ётганини кўриб, "биронинг мулкни олиш гуноҳ" деб, бошқа бирон уни олмай кетади. Бу одам биронинг пулини ўз фойдасига ишлатмаса ҳам, пулни қандай ишлатиш йўлини билмайди. Учинчи одам эса, йўлда ётган пулни олиб, уни йўқотган одамни топиб, пулни эгасига топширади. Шундай одам бошқа биронинг пулини ўз фойдасига ҳам ишлатмайди, пулни кўчада ҳам қолдириб кетмайди. Йўлда ётган пулни олиб, уни эгасига қайтариб берган киши доно, маданиятли одамнинг ишини қилган бўлади.

Моддий бойликлар шунчаки капиталистларнинг қўлидан коммунистлар қўлига ўтгани билан ҳозирги замондаги сиёсий муаммолар ҳал бўлмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, коммунист ҳам қўлига пул, мол-дунё кириши билан ундан ўз нафси (сезгилари)нинг талабларини қондириш йўлида фойдалана бошлайди. Аслида моддий оламнинг ҳамма бойликлари Парвардигорнинг мулки ҳисобланади, ҳар бир тирик мавжудот - у хоҳ инсон бўлсин, хоҳ ҳайвон - Худонинг мулкидан ўз тирикчилигини таъминлаш йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳар қандай инсон - коммунистми, капиталистми фарқи йўқ, - Худонинг мулкидан ўз тирикчилигини таъминлаш учун зарур бўлганидан кўпроқ мол-дунё олса, - ўғирлик қилган бўлади ва табиат қонунлари уни албатта жазолайди.

Бугун оламнинг бойликлари барча тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун ишлатилиши лозим, чунки она-табиатнинг режаси шундай. Бизларнинг ҳар биримиз бу дунёда ўз ҳаётимизни таъминлаш учун Парвардигорнинг бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгамиз. Худонинг мулкидан илмий равишда фойдаланиш санъатини эгаллаб олгандан кейин одамлар бир-бирининг ҳуқуқини поймол қилишни тарк этадилар. Фақат шундагина ҳақиқий инсонларга хос бўлган адолатли, намунали

жамият куриш мумкин. Ана шундай руҳий жамиятнинг асосий қонуни "Шри Ишопани-шад"нинг биринчи мантрисида ифодаланган:

*ишавасйам идам сарвам
йат кинча жагайтйам жагат
тена тйактена бхунжитха
ма грिдаха қасйа свид дханам*

"Оламдаги жонли ва жонсиз нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг мулки ва Унинг ҳукми остида. Шунинг учун ҳар бир инсон ҳамма нарса аслида кимники эканини яхши билган ҳолда, фақат ўзига улуш сифатида ажратилган нарсалардан фойдаланиши лозим".

Кришнанинг содиқлари яхши биладиларки, моддий олам Парвардигорнинг мукамал режаси асосида яратилган бўлиб, ундаги ҳар бир тирик мавжудот, бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаётига ёки ҳуқуқига таҳдид қилмаган ҳолда, ўз ҳаёти учун зарур бўлган барча эҳтиёжларини қондириши мумкин. Олам мукамал яратилгани туфайли, ҳар кимнинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос равишда ҳар кимга ўзига тегишли моддий бойликлардан фойдаланиш имконияти берилган. Агар одамларнинг ҳаммаси **"оддий яшаш ва улуғвор фикрлаш"** қондасига амал қилиб яшасалар, жаҳонда ҳамма одамлар тинч-тотув яшайдилар. Афсуски, Худонинг режалари мавжудлигига ишонмайдиган, руҳий юксалишга интилмайдиган иймонсиз одамлар уларга Парвардигор ато этган юксак ақл-идрокни суистеъмол қиладилар ва ундан кўпроқ мол-дунё орттириш учун фойдаланадилар. Ўзларининг моддий фаровонлигини ошириш мақсадида улар капитализм ёки моддий коммунизм сингари кўплаб ижтимоий тизимларни ўйлаб топадилар. Уларни Худонинг қонунлари ҳам, бу дунёда яшашдан олий мақсад ҳам қизиқтирмайди. Ҳиссий лаззатланишга бўлган ўзларининг адо бўлмас истакларини қондиришга ингилиб, улар ўзларига ўхшаган одамларга, ўз яқинларига ва бошқа тирик мавжудотларга зулм ўтказиш санъатини энг юқори, мукамал поғонага кўтарганлар.

Жамиятдаги одамлар Шрила Рупа Госвами санаб ўтган мана шу оддий нуқсонлар(*атйахара* ва ҳоказо)дан халос бўлганларида инсонлар ва бошқа тирик мавжудотлар, капиталистлар ва коммунистлар ҳамда бошқа гуруҳлар орасидаги ҳар қандай низо-жанжаллар ўзидан-ўзи барҳам топади. Бунинг устига, ҳар хил сиёсий дунёқарашлар ва иқтисодий танглик сабабли юзага келаётган муаммоларнинг ҳаммаси ўзидан-ўзи ҳал бўлади. Инсон ўз қалбида ана шундай соф онгни ривожлантира олиши учун руҳий илм ўрганиши ва илмий асосланган тажриба, руҳий амалиёт билан шуғулланиши лозим. Кришнани англаш Халқаро жамияти одамларга ана шундай илм ва амалий фаолиятни таклиф қилади.

Кришнани англаш Халқаро жамияти ер юзида мустақкам тинчлик ўрнатишга қодир бўлган ана шундай инсонлар жамиятини барпо этишнинг руҳий асосини таклиф этади. Ҳар бир фаросатли инсон ўзининг ҳаётида Кришнани англаш Халқаро жамияти таклиф этаётган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш билан онгини поклаши ва Худого садоқат билан хизмат қилиш йўлида учрайдиган, юқорида санаб ўтилган тўсиқларни бартараф қилиши лозим.

Учинчи мантра

*утсахан нишчайад дхаирйат
тат-тат-карма-павартанат
санга-тйагат сато вриттх
шадбхир бхактаҳ прасидхйати*

"Худого соф садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқнинг руҳий юксалишига ёрдам берадиган олти қоида мавжуд: 1. ихлос, шижоат билан ҳаракат қилиш; 2. ўзи бажараётган амалларига қатъий ишонч; 3. сабр-тоқатли бўлиш; 4. руҳий ҳаёт қоидаларига қатъий риоя қилиш(*ираванам, киртанам, вишноҳ смаранам*); 5. иймонсиз одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишни тарк этиш; 6. аввал яшаб ўтган буюк *ачарйа*(устоз)лар изидан бориш. Мана шу қоидаларга риоя қилиб яшаш билан инсон Худого садоқат билан хизмат қилишда албатта муваффақият қозонади".

Изоҳ: Худого садоқат билан хизмат қилиш - қандайдир хис-туйғулар асосида юзага келган хом-хаёл ёки жазавали лаззат ҳолатига ўзини сунъий равишда ишонтириш эмас. **Худого садоқат билан хизмат қилишнинг моҳияти - амалий фаолиятдир.** Ўзининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарида Шрила Рупа Госвами Худого садоқат билан хизмат қилиш жараёнини шундай таърифлайди:

*анйабхилашита-иунйам
жнана-кармадй-анавритам
анукулйена кришнану-
шилланам бхактир уттама*

"Уттама бхакти, яъни "Парвардигорга соф садоқат" деганда Худого соф муҳаббат юзасидан садоқат билан хизмат қилиш назарда тутилади. Бундай хизмат *карма*(бирор манфаат кўзлаш), *гйана*(фалсафий илм олишга ингилиш) ва бошқа ҳар қандай шахсий манфаат кўзланадиган ниятлардан пок бўлиши лозим".

Бхакти - ўзига хос амалий фаолият, тажриба. Тажриба деганда қандайдир амалий фаолият назарда тутилади. Баъзи бир сохта-йогларнинг фикрига қарши ўлароқ, **руҳий тажриба – шунчаки суёт ҳолатда муроқабага берилиб ўтиришдан иборат эмас.** Суёт ҳолатда муроқабага берилиб ўтириш Худого садоқат билан хизмат қилиш ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одамларга қандайдир фойда бериши мумкин, шу боис, одатда бу ишни одамларнинг бемаъни дунёвий фаолиятини тўхтатиш воситаси сифатида тавсия қиладилар. Муроқаба қилиш деганда вақтинча бўлса ҳам ҳар қандай бемаъни дунёвий фаолиятни тўхтатиб туриш назарда тутилади. Лекин, Худого садоқат билан хизмат қилиш ҳар қандай бемаъни дунёвий фаолиятга чек қўйиб қолмасдан, инсонга чуқур маъноли, мазмун-моҳиятга тўла руҳий фаолият билан машғул бўлиш имконини беради. Шри Прахлад Махараж шундай дейди:

*ираванам киртанам вишноҳ
смаранам пада-севанам
арчанам ванданам дасйам
сакхйам атма-ниведанам*

"Худого садоқат билан хизмат қилиш руҳий фаолиятнинг тўққиз турини ўз ичига олади:

1. Худонинг муқаддас номлари товушини ва Парвардигор олқишланадиган ҳикояларни тинглаш;
2. Парвардигорни шарафлаб қуйлаш;
3. Парвардигорни эслаш;
4. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш;
5. Илоҳларга сажда қилиб сифиниш;
6. Парвардигорга хурмат-эҳтиром кўрсатиш;
7. Парвардигорнинг хизматкори сифатида амалий фаолият кўрсатиш;
8. Парвардигорга дўстона муносабатда бўлиш;
9. Парвардигорга бутунлай ўз ихтиёрини топшириш.

Шраванам, тинглаш - илоҳий илм эгаллаш йўлида қўйиладиган биринчи кадам. Ишончли бўлмаган одамларнинг гапларини тингламаслик керак, "Бхагавад-гита"(4.34)да тавсия қилинганидай, муносиб инсонга мурожаат қилиш лозим.

*тад виддхи пранипатена
парипраишена севайя
упадекшийанти те жннанам
жннанинас таттва-даршинах*

"Ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиб ҳақиқат илмини англаб етишга ҳаракат қил. Унинг хизматини қилиб, камтарин ҳолда унга саволлар бер. Руҳий ўзлигини англаб етган зот(руҳ) сенга илоҳий илм беришга қодир, чунки унга ҳақиқат илми аён бўлган".

"Мундака-упанишад"да ҳам шундай дейилган: *тад-виджнанартхам са гурум эвабхигачхет* - "Бу илоҳий илми тушуниб олиш учун ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш лозим". Шундай қилиб, илоҳий илм сирларини ҳақиқий руҳий устозга камтарин ҳолда хизмат қилиш жараёнида эгаллаш усулини биз ўзимиз ўйлаб топганимиз йўқ. Шри Чайтанья Махапрабху бу ҳақда Шрила Рупа Госвамига мурожаат қилиб шундай деган:

*браҳманда бхрамите кона бхагйаван жива
гуру-кришна-прасаде пайа бхакти-лата-биджа*

"Тангри Браҳма яратган коинот бўйлаб саргардон бўлиб юрган руҳлар ичида энг омадлилари *бхакти-лата*, Худога садоқат билан хизмат қилиш ниҳилининг уруғини оладилар. Бунга фақат *гуру* ва *Кришнанинг марҳамати билан эришиш мумкин*"(Ч.ч.Мадхйа, 19.151).

Моддий олам – ўзларининг асл табиатига кўра *анандамайя*, яъни "лаззат излаб юрган" тирик мавжудотлар учун ўзига хос зиндон ҳисобланади. Аслини олганда уларнинг ҳаммаси мана шу "шартланган бахт олами" зиндонидан озодликка чиқишни истайдилар, аммо, озодликка чиқиш йўлини тополмасдан, бир ҳаёт туридан иккинчи ҳаёт турига ўтиб, бир сайёрадан иккинчи сайёрага кўчиб юришга мажбур бўладилар. Тирик мавжудотлар бутун коинот бўйлаб сарсон-саргардон бўлиб юрадилар, мабодо омади келиб, улар ҳаёт йўлида Худонинг асл содигини учратиб, унинг гапларини сабр-тоқат билан тингласалар, улар Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирадилар. **Фақат самимий инсонларгина** ана шундай омадга дуч келадилар. Кришнани англаш Халқаро жамияти бутун инсониятга ана шундай нодир имкониятни таклиф этади. Агар инсон омади келиб бахтли тасодиф туфайли мана шу имкониятдан фойдаланиб, Худога садоқат билан хизмат қила бошласа, унинг олдида мусибатларга тўла бу моддий

олам тутқунлигидан мангу руҳий озодликка чиқиш эшиклари кенг очилади.

Биз ўзимизнинг мангу уйимизга, Худонинг даргоҳига қайтиш имкониятига чуқур ишонч, қаттиқ ихлос билан қарашимиз лозим. Агар **ихлос, иштиёқ, кучли интилиш бўлмаса** муваффақиятга эришишнинг иложи йўқ. Ҳатто моддий оламда ҳам ихлос, иштиёқ ҳар қандай фаолиятда муваффақият гарови ҳисобланади. Талаба, савдогар, рассом – ўз фаолиятида муваффақият қозонишга интилаётган ҳар қандай одам албатта ихлос билан ҳаракат қилиши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳам ихлос, иштиёқ жуда муҳим аҳамиятга эга. Ихлос, иштиёқ деганда қандайдир фаолият назарда тутилади, - лекин ким учун? Бунга жавоб шундай: фақат Парвардигор учун; *кришнарт-хақхила-чешита* ("Бхакти-расамрита-синдху").

Бхакти-йогода баркамолликка эришиш учун инсон бутун умри давомида ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаши лозим. Лекин, бу - инсон ўзининг фаолиятини қандайдир чегаралар билан чеклаб қўйиши лозим, дегани эмас. Худо - ҳамма жойда мавжуд, "Бхагавад-гита"(9.4)да Унинг Ўзи айтадики, Парвардигордан ажралган ҳолда бирор нарса мавжуд бўлолмайди:

*майа татам идам сарвам
жагад авйакта-муртина
мат-стхани сарва-бхутани
на чахам тешв авастхитах*

"Намоён бўлмаган кўринишимда Мен коинотнинг ҳамма жойига сингиб кетганман. Барча мавжудотлар Менда мужассам, аммо Мен – улар ичида эмасман".

Ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида ҳаракат қилиб, инсон ҳамма нарсдан фақат Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиши лозим. Масалан, биз ҳозир диктофондан фойдаланаяпмиз. Дунёвий одамлар буни бизнесменлар ёки дунёвий асарлар яратадиган ёзувчилар учун ихтиро қилган. У, албатта, бу диктофонни ихтиро қилаётганида ундан Худога хизмат қилишда фойдаланишни ният қилмаган, аммо, биз ундан Худони англаш ҳақида китоблар ёзишда фойдаланаяпмиз. Ҳеч шубҳа йўқки, диктофонни яратиш жараёнининг ҳаммаси Худонинг қувватларининг таъсир доираси ичида амалга ошади. Бу диктофоннинг ҳамма деталлари, шу жумладан унинг электроникаси ҳам, Худонинг моддий қувватини ташкил этадиган беш унсур: *бхума*(тупроқ), *жала*(сув), *агни*(олов), *вайу*(ҳаво) ва *акаша*(эфир)дан таркиб топган. Бундай мураккаб усқунани ихтиро қилиш учун инсон ўзининг миясидан фойдаланган. Унга мияни ҳам, диктофоннинг таркибий қисмларини ҳам Худо ато этган. *Мат-стхани сарва-бхутани*, - дейди Парвардигор, - **"мавжуд ҳамма нарса Менинг қувватларимдан иборат"**. Шундай қилиб, Худонинг содиқ хизматкори яхши биладик, Парвардигорнинг қувватидан ташқарида, мустақил ҳолда мавжуд бўлган бирор нарса йўқ, демак, ҳамма нарсдан фақат Худога хизмат қилиш учун фойдаланиш лозим.

Утсаха, иштиёқ, ихлос деганда инсоннинг илоҳий онги билан, чуқур тафаккурга асосланган фаолият кўрсатишини тушуниш лозим. Худонинг содиқлари ҳаётда ҳамма нарсдан фақат Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиш имконини берадиган тўғри йўлни топа оладилар (*нирбандхаҳ кришна-самбандхе йуктам ваирагйам учйате*). **Худога садоқат билан хизмат қилиш** - шунчаки сушт ҳолда муруқбага

берилиб ўтириш эмас, балки рухий ҳаётнинг асосини ташкил этадиган **фаол амалий фаолиятдир**.

Бундай фаолият инсондан сабр-тоқат талаб қилади. Худони англаб етиш йўлида сабрсизлик қилиб бўлмайди. Масалан, мен Кришнани англаш Халқаро ҳаракатини бир ўзим бошлаганман, аввалига ҳеч ким мени қўллаб-қувватламади, лекин, сабр-тоқат билан Худого хизмат қилишда давом этаверганим туфайли кўпчилик одамлар аста-секин бу ҳаракатнинг муҳим аҳамиятини англаб ета бошладилар, ҳозир улар чуқур иштиёқ билан биз билан ҳамкорлик қиляптилар. Худого садоқат билан хизмат қилишда сабрсизлик қилмаслик керак. Рухий устоздан кўрсатма олиш ҳамда рухий устоз ва Худонинг марҳаматидан умидвор бўлиб, шу кўрсатмаларга сабр-тоқат билан амал қилиб яшашда давом этавериш лозим. **Худони англаб етишда муваффақият қозониш учун сабр-тоқат ва чуқур ишонч, иймон** керак. Ҳар қандай киз бола турмуш курар экан, албатта, улардан фарзанд дунёга келишини орзу қилади, лекин у ҳеч қачон тўй кунининг эртасигаёқ фарзанд дунёга келишидан умидвор бўлмаслиги керак. Албатта, эрга чиққандан кейин у фарзандларга она бўлишни орзу қилади, лекин бунинг учун у вақти келиб она бўлишига қатъий ишонган ҳолда эрининг марҳаматига эришиши лозим. Худого садоқат билан хизмат қилишда ҳам шундай: **ўз ихтиёрини Худого топшириш - чуқур ишонч ҳосил қилиш** демакдир. *Авашия рақишбе кришна* - деб ўйлайди содиқ, - "Парвардигор мени албатта ҳимоя қилади ва Унга садоқат билан хизмат қилишда муваффақият қозонишимга ёрдам беради". Қатъий ишонч, иймон деб шуни айтадилар.

Аввал айтиб ўтганимиздай, рухий ҳаётнинг қонун-қоидаларига сушт муносабатда бўлмаслик керак, аксинча, Худого садоқат билан хизмат қилишнинг ҳамма қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб, барча амалларни ихлос, иштиёқ билан бажариш лозим - *тат-тат-карма-павартана*. Рухий қонун-қоидаларга риоя қилмаслик оқибатида Худого садоқат билан хизмат қилиш завол топади. Кришнани англаш Халқаро ҳаракати рухий ҳаётни тартибга солувчи тўрт қоидага асосланган: 1) гўшт, тухум, балиқ емаслик; 2) маст қиладиган, шахвоний эҳтирос уйғотадиган нарсаларни истеъмол қилмаслик; 3) кимор ўйнамаслик; 4) зино, ноқонуний жинсий алоқа қилмаслик. Худонинг содиқлари мана шу қоидаларга қатъий амал қилишлари лозим. Бу қоидалардан бирортасига риоя қилмаслик оқибатида содиқнинг рухий юксалиши кескин сузайиб кетади. Шунинг учун Шрила Рупа Госвами шундай маслаҳат беради: *тат-тат-карма-павартанат* - **"Вайдхи бхакти қоидаларига сўзсиз риоя қилиб яшаш керак"**. Таъқиқловчи (*йама*) тўрт қоидадан ташқари буйруқлар (*нийама*) ҳам бор, масалан, ҳар куни тасбех (*жапа-мала*) да камида 16 доира Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш (Худонинг муқаддас номларини 108x16=1728 марта такрорлаш). Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Рухий ҳаётнинг бу қоидаларига ихлос ва иштиёқ билан қатъий риоя қилиб яшаш лозим. Мана шу *тат-тат-карма-павартана* - Худого садоқат билан хизмат қилишдаги ранг-баранг амалий фаолият деб аталади.

Бундан ташқари, Худого садоқат билан хизмат қилишда муваффақиятга эришиш учун биз бемаъни суҳбатлардан узоқ юришимиз лозим. *Кармилар, гйанилар, йоглар* ва бошқа иймонсиз одамлар билан бўладиган мулоқотлар ана шундай бемаъни суҳбатлар тоифасига киради. Бир куни бир оилали киши Чайтанйа

Махапрабхудан вайшнавизмнинг асосий қоидаларини тушунтириб беришни ҳамда вайшнавларнинг ҳар куни қиладиган ишлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилади. Шри Чайтанйа Махапрабху унга шундай деб жавоб берди: *асат-санга-тйага* - *эи ваишнава-ачара* - **"ҳақиқий вайшнав иймонсиз дунёвий одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишдан узоқ юриши билан бошқалардан ажралиб туради"**. Шу боис Шрила Нароттама дас Тхакур бизга шундай насиҳат беради: *тандера чарана севи бхакта-сане васа* - **"Худонинг асл содиқлари даврасида яшаш ва аввал ўтган рухий устозлар, вриндаванлик олти Госвами ўрнигиб кетган қонун-қоидаларга риоя қилиб яшаш лозим"**. Худонинг содиқлари даврасида яшаётган содиқнинг амалда иймонсиз одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишга имкони бўлмайди. Ҳақиқат илмини излаб юрган кишиларга Худонинг содиқлари даврасида яшаш ҳамда рухий ҳаёт қонун-қоидаларига риоя қилиб юриш имконини бериш ниятида Кришнани англаш Халқаро жамияти жаҳоннинг турли жойларида ўз марказларини очиб қўйган.

Худого садоқат билан хизмат қилиш - илоҳий поғонадаги фаолиятдир. Бу поғонадаги фаолият моддий табиат гуналари билан булганмаган. Уни *вишуддхасаттва*, яъни эҳтирос ва ғафлат сифатлари билан булганмаган соф эзгулик поғонаси деб атайдилар. Кришнани англаш Халқаро жамиятида биз ҳар бир содиқдан эрта тонгда, соат тўртда уйқудан туришни, *мангала-арати* (эрталабки сиғиниш маросими) да иштирок этишни, кейин "Шримад Бхагаватам" ўқишни, *киртан* (биргаликда Парвардигорнинг муқаддас номларини куйлаш) да иштирок этишни талаб қиламиз. Шу тарзда биз кун бўйи, 24 соат давомида Худого садоқат билан хизмат қилишда қандайдир амалий фаолият билан машғул бўламиз. Мана шу *сато-вритти* - умрининг ҳар бир лаҳзасини Худого садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб ўтказган рухий устозлар изидан бориш деб аталади.

Шрила Рупа Госвамининг мана шу мантрада берган маслаҳатига қатъий амал қилиб яшаган содиқ Худого садоқат билан хизмат қилишда албатта муваффақият қозонади. Бу борада Шрила Бхактисиддхантасарасвати Тхакур айтадики, фалсафий изланишлар ёрдамида илоҳий илм сирларини эгаллашга уриниш, кармали фаолият жараёнида моддий бойлик орттириш ҳамда *йога-сиддхи*, яъни, жисмоний баркамолликка эришишга интилиш Худого садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига зид амаллар ҳисобланади. Биз бундай ўткинчи фаолиятга эътибор бермасдан, бутун диққатимизни Худого садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб яшашга қаратишимиз лозим. "Бхагавад-гита" (2.69) да шундай дейилган:

*йа ниша сарва-бхутанам
тасйам жагартти самйами
йасйам жагратти бхутани
са ниша пашйато мунеҳ*

"Барча мавжудотлар учун тун бўлган вақт - ўзини англаб етган зот учун зийраклик давридир; барча тирик мавжудотлар уйғонганида эса, қалб назари ато этилган донишманд учун тун кириб келади".

Худого садоқат билан хизмат қилиш тирик мавжудот учун ҳаводай зарур, мана шу - инсон интилиб юрган олий мақсад ҳамда рухий баркамолликнинг энг олий поғонасидир. Бунга бизнинг ишончимиз комил бўлиши лозим. Худого садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор фаолият - хоҳ у фалсафий фикр

юритишлар бўлсин, хоҳ кармали фаолият, хоҳ сеҳрли йога билан шуғулланиш бўлсин - инсонга мангу бахт-саодат келтира олмаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш лозим. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлининг тўғрилигига мутлақ ишониш содиқнинг кўзлаган мақсадга эришишига ёрдам беради, аксинча, бошқа йўллардан боришга уриниш эса, фақат ортиқча ташвишлар келтиради, холос. "Шримад Бхагаватам"нинг Еттинчи кўшиғида шундай дейилган: "Қандайдир бошқа мақсадларни кўзлаб қаттиқ риёзатларга берилиш ниятида Худога садоқат билан хизмат қилишдан бош торгган одамларнинг ақли, шунча риёзат чекиб юрганга қарамай, барибир нопок эканига бизда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак, чунки улар Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳақида ҳеч нарса билмайдилар".

"Шримад Бхагаватам"нинг Еттинчи кўшиғида яна шундай дейилган: "Сафсатабоз файласуфлар ва кармиларнинг барча буюк риёзатлари, тавба-тазаррулари уларни ҳақиқат йўлидан адашишдан ҳимоя қилиб қололмайди, чунки уларга Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамлари ҳақида ҳеч нарса маълум эмас". Лекин, Худонинг содиқлари ҳеч қачон ҳақиқат йўлидан адашмайдилар. "Бхагавад-гита"(9.31)да Парварди-гор Аржунни ишонтириб шундай деган: *каунтейа пратиджанихи на мен бхактах пранашиятти* - "Эй Кунтининг ўғли, барчага дадил эълон қил, **Менинг содиқ хизматкорим ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди!"**

"Бхагавад-гита"(2.40)да Парвардигор Кришна шундай дейди:

*нехабхикрама-нашо сти
пратйавайа на видйате
свалтам апй асия дхармасйа
трайате махато бхайат*

"Бу йўлга кирган киши ҳеч нарса йўқотмайди, ҳатто бу йўлда қилинган озгина ҳаракат ҳам инсонни ҳаётда энг қатта хавф-хатардан сақлаб қолади".

Худога садоқат билан хизмат қилиш шу қадар пок ва мукамалки, бу йўлга кирган киши, ҳатто ўзи истамаса ҳам, албатта баркамолликнинг энг юксак поғонасига кўтарилади. Баъзан шундай бўладики, инсон қалбидаги ички интилиш туйғуси таъсири остида дунёвий фаолиятни бутунлай тарк этади, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топиб, Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди. Ҳатто шундай содиқ хизматкор кейинчалик бу йўлни ташлаб кетса ҳам, барибир, у ҳеч нарса йўқотмайди. Аксинча, *варнашрама* тизимида жамият олдидаги ўз бурчини мукамал бажариб юрган, лекин, ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилмаган киши нимага эришади? Худонинг адашган содиғи ҳатто кейинги ҳаётида камбағал ёки пасткаш одамлар оиласида туғилса ҳам, барибир аввалги ҳаётида тўхтаган жойидан бошлаб Худога хизмат қилишни давом эттираверади. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни *ахаитуки апратихата* ибораси билан ифодаланади; у ҳеч қандай моддий шароитларга боғлиқ эмас, ҳеч қандай моддий шароит ёки қаршиликлар бу жараёнга тўсқинлик қилишга ёки уни тўхтатиб қўйишга қодир эмас. Шу боис содиқ ўзи танлаган йўл энг тўғри йўл эканига шубҳасиз ишонч ҳосил қилиши ва *карми*, *гйани* ва йогларнинг қилиб юрган ишларига эътибор бермаслиги керак.

Албатта, кармиларнинг ҳам, сафсатабоз файласуфларнинг ҳам, сеҳргар-йогларнинг ҳам кўпгина яхши фазилатлари бор, лекин Худонинг содиқларида барча эзгу фазилатлар табиий равишда ўзидан ўзи ривожлана боради. Бунинг учун содиқ қандайдир қўшимча ҳаракатлар қилиб юришининг ҳожати йўқ. "Шримад Бхагаватам"(5.18.12)да айтилганки, Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эришган кишида аста-секин фаришталарга хос бўлган барча эзгу фазилатлар ривожлана бошлайди. Худонинг содиқ хизматко-рини моддий фаолият қизиқтирмайди, шу боис моддий табиат унга ўз таъсирини ўтказа олмайди. У шу заҳотиёқ илоҳий поғонага кўтарилади. Аммо моддий фаолият билан машғул бўлиб юрган *гйанилар*, *йоглар*, *кармилар*, филантроплар ёки миллатпарвар, ватанпарвар одамлар ҳеч қачон *махатма*, буюк зотлар даражасига эриша олмайдилар. Қанча уринмасин, улар барибир *дурамта*, яъни, қалтафаҳм одамлар бўлиб қолаве-радилар. "Бхагавад-гита"(9.13)да шундай дейилган:

*махатманас ту мам партха
давим пракритим аширташ
бхаджантй ананйя-манасо
жнатва бхутадим авйайам*

"Эй Притхининг ўғли, адашиш иллатидан озод буюк зотлар илоҳий табиат паноҳи остида бўладилар. Улар ўзларини бутунлай Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлайдилар, чунки улар Мен - азалий ва мангу Парвардигор эканимни яхши биладилар".

Худонинг барча содиқлари Унинг олий қуввати паноҳида бўладилар, шу боис уларнинг Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан четга чиқишларининг ва *карма*, *гйана* ёки *йога* йўлига кириб кетишларининг ҳеч қандай маъноси йўқ. *Утсахан нишчайад дхаирйат тат-тат-карма-правартанат*, яъни "Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидалари билан тартибга солинган фаолиятда чуқур ишонч, ихлос, сабр-тоқат билан ҳаракат қилиш" деган мисранинг маъноси шундан иборат. Бу содиқнинг ҳеч қандай тўсиқларга учрамасдан Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга эришишига имкон беради.

Бешинчи мантра

*дадати пратигрихнати
гухйам акхйати приччхати
бхункте бходжайате чаива
шад-видхам прити-лакшанам*

"Худонинг содиқларининг бир-бирига нисбатан ўзаро муҳаббат туйғуси олти турли амалларда намоён бўлади: 1) бир бирига ҳар хил совғалар бериш, 2) совғаларни қабул қилиш, 3) ички сирларини очиш, 4) сирли фикрларига шерик бўлиш, 5) ширин таомлар билан меҳмон қилиш, 6) меҳмондорчилигини қабул қилиш".

Изоҳ: Шрила Рупа Госвами мазкур шеърда Худонинг содиқлари орасидаги ўзаро яқин муносабатлар Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида қандай кўринишларда намоён бўлишини таърифлаб берган. Улар олти турли кўринишда бўлади: 1. Худонинг содиқларига совғалар ҳада қилиш; 2. содиқларнинг

бунга жавобан қилган совғаларини мамнуният билан қабул қилиш; 3. ишонч билан ўзининг ички сирларини очиш; 4. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ички сирлари ҳақида сўраш; 5. Худонинг содиқлари таклиф қилган *прасад* - илоҳий таомдан тотиш; 6. Худонинг содиқларини *прасад* билан меҳмон қилиш. Тажрибали содиқ Худога садоқат билан хизмат қилиш сирларини тушунтиради, янги содиқлар унинг гапларини тинглаб, ундан сабоқ оладилар. *Гухйам акхйати причхати* деганининг мазмуни шундан иборат. Худонинг содиқларидан бирортаси қалбимизда Худога садоқат билан хизмат қилиш руҳини кучайтириш мақсадида бизларга *прасад* – аввал Парвардигорга таклиф қилинган таом қолдиқларини таркатса, биз уни асл содиқ хизматкор орқали келаётган Худонинг марҳамати сифатида эъзозлаб қабул қилишимиз лозим. Шунингдек, Худонинг асл содиқларини уйимизга **таклиф қилиб, *прасад* билан меҳмон қилиб уларни мамнун қилишга интилишимиз лозим.** Мана шундай амаллар *бхункте бходжайате чаива* деб аталади. Ҳатто оддий одамлар ҳам кимгадир ўзининг муҳаббатини ёки дўстона муносабатини намойиш қилмоқчи бўлса, худди шундай ишларни қиладилар. Масалан, бизнесмен бошқа бир бизнесмен билан яқинроқ муносабат ўрнатмоқчи бўлса, уни бирор ресторанга зиёфатга таклиф қилади ва ана шу зиёфат пайтида унга ўз режаларини айтади. Кейин ўз режалари ҳақида ундан маслаҳат сўрайди, баъзан улар бир-бирига бирор нарса совға қиладилар. Шундай қилиб, *прити*, яқин одамларнинг бир-бирига нисбатан ўзаро муҳаббати мана шу олти турли амалларда намоён бўлади. Аввалги мантрада Шрила Рупа Госвами дунёвий одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишни тарк этишни, фақат Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлишни маслаҳат берган эди (*сангатйагат сато вриттеҳ*). Кришнани англаш Халқаро жамияти Худонинг содиқларига ўзаро муносабатларини юқорида кўрсатилган олти қоида асосида қуриш имконини бериш мақсадида ташкил этилган. Бу жамиятни ташкил этишда мен бир ўзим ҳаракат қилганман, лекин, бошқа одамлар ташаббус кўрсатиб, ўз хизматларини таклиф қилиши, бунга жавобан нимагадир эга бўлаётгани туфайли бизнинг жамиятимиз тобора кенгайиб, ўз фаолияти билан бутун жаҳонни қамраб оляпти. Жамиятнинг ривожланиши учун фидойи одамларнинг саховат билан кўрсатаётган моддий ёрдамларидан ҳамда бунга жавобан бизнинг уларга Кришна ҳақида ҳикоя қиладиган ҳар хил китоб ва журналлар шаклида таклиф этаётган арзимас совғаларимизни уларнинг мамнуният билан қабул қиладиганидан биз чексиз бахтиёрмиз. Баъзан биз Ҳаре Кришна тантаналарини ташкил этамиз, унга жамиятимизнинг барча эркин аъзоларини ва жамиятимиз дўстларини таклиф қилиб, уларни ширин *прасад* билан меҳмон қиламиз. Одатда бу меҳмонлар жамиятнинг олий табақаларига мансуб юқори мартабали кишилар бўлса ҳам, эҳромларимизга келиб, таклиф қиладиган таомларимиз қанчалик оддий бўлса ҳам, уни мамнуният билан қабул қиладилар. Вақти-вақти билан жамият аъзолари ва Худонинг содиқларини ҳурмат қиладиган одамлар бизга Худога садоқат билан хизмат қилиш сирлари ҳақида савол берадилар, биз уларга бу ҳақда гапириб беришга ҳаракат қиламиз. Шу тариқа жамиятимиз бутун жаҳон бўйлаб тарқалиб кенгайиб боряпти, барча давлатлардаги чуқур мулоҳаза юрита оладиган зиёли оқил одамлари аста-секин Кришнани англаш жамияти кўрсатаётган фаолиятнинг қанчалик муҳим эканини тушуна бошладилар. Кришнани англаш Халқаро

жамиятининг ҳаёти Худонинг содиқлари орасидаги ўзаро муносабатлардаги мана шу олти турли амалларни қўллаб-қувватлайди. Ҳар бир инсон ИСККОН аъзоси бўлган Худонинг содиқлари билан суҳбатлашиш имконига эга бўлиши лозим, чунки юқорида кўрсатилган амаллар ёрдамида Худонинг содиқлари билан ўзаро яқин муносабат ўрнатиш шарофати билан оддий одамлар ҳам қалбида мудраб ётган илоҳий муҳаббат туйғусини уйғота оладилар. *Сангат санджайате камах*, - дейилган "Бхагавад-гита"да(2.62): **"Инсоннинг орзу-истаклари ва интилишлари унинг кимлар билан дўстлашиб юрганига боғлиқ бўлади".** **"Дўстинг ким эканини айтсанг, сенинг ким эканингни айтаман"** деганларидек, агар Худонинг содиқлари билан дўстлашиб юрса, оддий одам ҳам қалбида ухлаб ётган илоҳий муҳаббат туйғусини албатта уйғота олади. Илоҳий ишқ, Худога муҳаббат ҳар бир тирик мавжудот қалбида азалдан мавжуд, тирик мавжудот инсон танасида туғилган заҳоти ана шу туйғу маълум даражада намоён бўла бошлайди. "Чайтанйа Чаритамрита"(Мадхйа, 22.107)да шундай дейилган:

*нитйа-сиддха кришна-према "садхйа" кабху найа
шраванади-шуддха-читте карайе удайа*

"Худога соф муҳаббат, илоҳий ишқ ҳар бир тирик мавжудот қалбида мангу мавжуд бўлади. Бу туйғуни биз қалбимизга четдан киритмаймиз. Худонинг муқаддас номларини тинглаш ва такрорлаш жараёнида тирик мавжудотнинг қалби покланган заҳоти у гафлат уйқусидан уйғонади".

Илоҳий онг ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида азалдан мавжуд, шу боис ҳар бир инсон Парвардигор ҳақида тинглаш имкониятига эга бўлиши лозим. Инсон ўз қалбини поклаши ва унда илоҳий онгни уйғотиши учун фақат *шраванам киртанам*, яъни, Худонинг муқаддас номларини тинглаш ва зикр қилишнинг ўзи кифоя. Илоҳий онг инсон қалбига сунъий равишда четдан киритилмайди, у азалдан унда мавжуд. Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиш билан инсон ўз қалбини дунёвий иллатлардан поқлайди. Шри Чайтанйа Махапрабху ўзининг "Шикшаштака" асарининг биринчи мантрасида шундай дейди:

*чето-дарпана-марджанам
бхава-маха-давагни-нирвапанам
шрейяҳ-каирава-чандрика-витаранам
видйа-вадху-дживанам
анандамбудхи-вардханам
пратипадам пурнамритасваданам
сарватма-снапанам парам виджайате
ири-кришна-санкиртанам*

"Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш(*санкиртана*) фаолиятига шон-шарафлар бўлсин! Бу фаолият инсон қалбини узок йиллар давомида тўпланиб келган дунёвий иллатлардан поқлайди, туғилиш ва ўлишлар занжиридан иборат шартланган моддий ҳаёт оловини ўчиради. *Санкиртана* бутун инсониятга энг буюк бахт-саодат келтиради, чунки у худди ўсимликларга шарбат берадиган Ой нурига ўхшаб, илоҳий илм нури билан одамлар қалбидаги ғофиллик зулматини ёритади. Мана шу фаолиятда бутун илоҳий илмнинг мазмун-моҳияти мужассам бўлган. У илоҳий лаззат уммонини тошдиради ва бизга ўзимиз ҳамиша интилиб келаётган илоҳий лаззат шарбатидан тўйиб тотиш имконини беради".

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре: Худонинг муқаддас номларидан таркиб топган Ҳаре Кришна маха-мантриси куйланганда фақат зикр қилаётган кишининг қалби эмас, балки бу мантранинг илоҳий товушлари қулоғига чалинган барча тирик мавжудотларнинг қалби ҳам покланади. Ҳатто ҳаётнинг қуйи турларига мансуб ҳайвонлар, ҳашаротлар, микроблар, дарахтлар сингари тирик мавжудотлар танасидаги рухлар ҳам бу илоҳий товушларни тинглаб покланиб, ўзларини келажакда қалбида илоҳий онгни тўла қайта-тиклашга тайёрлайдилар. Бу ҳақда Чаянтаня Махапрабхунинг “руҳий юксалиш зинапоясининг инсонларга нисбатан қуйи поғоналарида турган тирик мавжудотларни моддий олам тутқунлигидан қандай қилиб қутқариб олиш мумкин” дея берган саволига жавоб бера туриб, Харидас Тхакур айтган эди: “Худонинг муқаддас номларини такрорлаш шу қадар қудратлики, уларни ҳатто қалин ўрмонда зикр қилиш орқали ҳам, шу ердаги дарахтлар ва ҳайвонлар қалбида илоҳий онг ривожлантиришга ёрдам бериш мумкин”. Буни Шри Чаянтаня Махапрабхунинг Ўзи амалда намойиш этган эди. У Жарикҳанда ўрмони орқали ўтиб бораётганида йўлбарслар, илонлар, кийик ва бошқа ҳайвонлар, бир-бирига нисбатан азалдан давом этиб келадиган ўзаро душманлик туйғуларини бутунлай эсларидан чиқарган ҳолда санкиртанага қўшилиб, биргаликда Худонинг муқаддас номларини шарафлаб қуйлаб, рақсга туша бошладилар. Албатта, бизлар йўлбарс, илон, ит ва мушукларни мафтун этиб, уларни бирга рақс тушишга мажбур қила оладиган даражада илоҳий қудратга эга эмасмиз, аммо биз одамларга Худонинг муқаддас номларининг илоҳий товушларини тинглаш имконини бериб, бутун жаҳонда кўплаб одамлар қалбида илоҳий онг уйғота оламиз. **Одамлар орасида Худонинг муқаддас номларини тарқатиш - эҳсон қилиш ёки совға улашиш(дадати қондаси)нинг энг юксак кўринишидир.** Бундан ташқари биз *пратиғрихнати* қондасига риоя қилишимиз лозим: илоҳий совғаларни мамнуният ва ихлос билан қабул қилишимиз лозим. Рухий ва моддий олам, руҳ ва модда ҳақидаги илоҳий илмни эгаллаш мақсадида биз Худони англаш ҳақида саволлар беришимиз ва ўз фикр-мулоҳазаларимизни Худонинг содиқларига ошқора айтишимиз лозим. Шу тарихида биз *сүхйам акхйати приччхати* қондасига амал қилиб юрган бўламиз. Кришнани англаш Халқаро жамиятига аъзо бўлган содиқлар ўз марказларида яқшанба кунлари зиёфатлар уюштириб, уларга жамият аъзоларини ва бу жамиятнинг дўстларини таклиф этадилар. *Прасад*(илоҳий таом)дан тотиш учун бу жойларга жуда кўп қизиқувчан одамлар келадилар. Кейинчалик, имконият туғилганда ўша одамлар Худонинг содиқларини уйларига таклиф қиладилар ва уларни кўплаб тансиқ таомлардан иборат *прасад* билан меҳмон қиладилар. Бундай урф-одатлар Худонинг содиқларига ҳам, оддий одамларга ҳам бахт-саодат келтиради. Маданиятли кишилар ўзларини йоғлар, *гйанилар*, *кармилилар* ва инсонпарвар одамлар деб юрган иккиюзламачи-лардан узоқ юришлари лозим, чунки ундай одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш ҳеч кимга бирор манфаат келтирмайди. **Ҳаётда ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётининг асосий мақсадига эришишга жиддий интилиб юрган киши санкиртана билан шуғулланиб юрган Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиши лозим, чунки фақат мана шу фаолият билан шуғулланиб юрган кишилар қандай қилиб инсон ўз қалбида Худого муҳаббат уйғота**

олиши ҳақида муқаммал илм ўргата оладилар. Дин - фақат инсонларга хос бўлган хусусиятдир, инсонлар жамияти фақат бирор динга эътиқод қилиши билан ҳайвонлар жамиятидан фарқ қилади. Ҳайвонлар(ёки ҳайвонсифат одамлар) жамиятида черков ҳам йўқ, масжид ҳам йўқ, диний таълимотлар ҳам бўлмайди. Аммо, инсон зоти, ўзини инсон деб биладиган одамлар жаҳоннинг қайси бурчагида, тараққиётнинг қайси босқичида яшаётганидан қатъий назар, у ёки бу кўринишда албатта бирор динга эътиқод қилади. Ҳатто қалин ўрмонда яшайдиган ёввойи қабилаларнинг ҳам ўз дини бор. Диний эътиқод ривожланиб Худого муҳаббатга айланганида, у ўзининг якуний мақсадига эришган бўлади. "Шримад Бхагаватам" (1.2.6) да шундай дейилган:

*са ваи пумсам паро дхармо
йато бхактир адхоксиадже
ахаитуки апратихата
йайатма супрасидати*

"Барча одамлар учун энг олий фаолият(дхарма) - уларни илоҳий Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилишга олиб келадиган амаллардир. Рухни тўла мамнун қилиш учун бундай амаллар узлуксиз ва холис бажарилиши лозим".

Агар инсонлар жамиятининг аъзолари тинчлик ва осойишталикни, одамлар ва халқларнинг ўзаро муносабатларида мустаҳкам дўстлик ўрнатишни истасалар, улар қалбида мудраб ётган илоҳий онгни, Худого муҳаббат туйғусини уйғотишга ёрдам берадиган Худони англаш таълимотига амал қилиб яшашлари лозим. Шунда, шу заҳотиёқ уларнинг қалби хотиржам бўлиб, тўла осойишталикка эришадилар.

Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Тхакур одамлар орасида Худони англаш илмини тарғибот қилиб юрган барча содиқларни огоҳлантириб, Парвардигор ҳақидаги илмни тарғибот қилиш ишларига ҳаммиша тўсқинлик қилиб келадиган имперсоналист-майявадилар билан ҳеч қандай алоқа қилмаслик кераклигини таъкидлайди. Ҳозирги даврда бутун жаҳон майявади ва иймонсиз атеист(дахрий)ларга тўлиб кетган бўлиб, сиёсий партиялар ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга асосланган материализм ғоясини тарғибот қилиш учун уларнинг фалсафасини ўзларига қурол қилиб олганлар. Баъзан майявади ва атеистлар Худони англаш таълимотини тарғибот қилувчи ҳаракатга қарши курашиш учун бирор обрўли, оммавий сиёсий партия билан тил бириктирадилар. Улар ҳар хил йўллар билан бу ҳаракатнинг кенгайишига тўсқинлик қиладилар, чунки бу ҳаракат одамларга Худони англаш илмини ўргатади. Иймонсиз атеистларнинг усуллари шундай. Илонни сут ва бананлар билан қанча тўйғазсанг ҳам, у барибир ҳеч қачон қаноатланмайди. Аксинча, сут ва бананлар еган сайин илоннинг заҳари кучайиб кетаверади - *кевалам виша-вардханам*.

Агар илонни сут билан боксангиз, бундан унинг заҳри яна ҳам кучаяди. Худди шундай, инсон илонга ўхшаган *майявади* ва иймонсиз атеистларга қалбини очмаслиги, Худо ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини уларга ишонмаслиги керак. Бундай ишонувчанлик яхшиликка олиб келмайди. Яхшиси улар билан ҳар қандай муносабатни тарк этиш ва улардан Парвардигор ҳақида ҳеч нарса сўрамаслик керак, барибир улар бирор яхши маслаҳат беришга қодир эмаслар. Бундан ташқари, биз ҳеч қачон майявадиларни меҳмонга чакирмаслигимиз, уларникига меҳмонга бормаслигимиз керак, чунки улар билан ҳамсуҳбат бўлиш оқибатида уларнинг ҳаёт ҳақидаги атеистик

таълимоти таъсири остига тушиб қолишимиз мумкин - *сангат санджайате камаҳ*. Мазкур мантра билан бизнинг имонсиз атеист ва майявадиларга бирор нарса беришимиз, улардан эҳсон сифатида бирор нарса қабул қилишимиз бутунлай таъқиқлаб қўйилган. Бу ҳақда Шри Чайтанйа Махапрабху ҳам бизни огоҳлантириб қўйган: *вишайира анна кхаиле душта хайа мана* - **"Имонсиз одам(карми)лар тайёрлаган таомни еган содиқнинг ақли захарланади"**. Фақат рухий юксалишнинг жуда юқори поғонасига кўтарилган содиқларгина ҳар қандай эҳсондан Худони англаш илмини тарқатиш ҳаракатини ривожлантириш йўлида ҳолис фойдаланишга қодир, шу боис, яхшиси ҳеч қачон *майявади* ва атеистлардан Худо йўлида ишлатиш учун бирор нарса олмасликни одат қилиб олган маъқул. Бунинг устига Шри Чайтанйа Махапрабху Худонинг содиқларига ҳатто дунёвий ҳиссий лаззатларга қаттиқ боғланиб қолган оддий худобехабар одамлар билан ҳам ҳамсуҳбат бўлишни таъқиқлаб қўйган.

Шундай қилиб, биз ҳамиша Худонинг содиқлари билан бирга бўлишимиз, Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига қатъий амал қилишимиз, аввал ўтган ачарйаларнинг изидан боришимиз ва рухий устознинг барча кўрсатмаларини бекаму-кўст бажариб юришимиз лозим. Шунда биз қалбимизда мудраб ётган илоҳий ишқ, Худога муҳаббат туйғусини уйғотамиз ва Худога садоқат билан хизмат қилиб яшай оламиз. Худога садоқат билан хизмат қилишда анча тажрибага эга бўлган, лекин ҳали *махабхагавата*(комил содиқ) даражасига эришмаган ўртамиёна содиқ Парвардигорга чуқур муҳаббат билан эҳтиром кўрсатиши, Худонинг содиқлари билан дўстона муносабатда бўлиши, ғофил одамларга нисбатан ҳамдард бўлиши ҳамда ҳасадгўй ва иблистабиат иймонсиз одамлардан узоқ юриши лозим. Бу мантрада Парвардигор билан ўзаро муҳаббатга асосланган яқин муносабат ўрнатиш ҳамда Худонинг содиқлари билан дўстлашиш имконини берадиган усул қисқача таърифлаб берилган. *Дадати(эҳсон қилиш)* қоидасига асосан **тажрибали содиқ ўз даромадининг камида 50 фоизини Худога ва Унинг содиқларига хизмат қилишга сарфлаши лозим**. Бу борада Шрила Рупа Госвами бизга муносиб ўрнатилган кўрсатиб кетган. Истеъфога чиқишга қарор қилиб, у мол-мулкининг 50 фоизини Худога хизмат қилишга сарфлади, 25 фоизини қариндошларига улашиб берди, қолган 25 фоизини эса, ҳар эҳтимолга қарши, ўзи учун сақлаб қўйди. Худонинг барча содиқлари ўз фаолиятида ундан ўрнатилган олишлари лозим. Қанча бойликка эга бўлишингиздан қатъий назар, унинг ярмини Худога ва Унинг содиқларига хизмат қилишга сарфлашингиз лозим. Шунда сиз *дадати* қоидасига риоя қилиб юрган бўласиз.

Кейинги мантрада Шрила Рупа Госвами биз қайси тоифадаги содиқлар билан дўстлашишимиз ҳамда вайшнавларга қандай хизмат қилишимиз ҳақида гапириб беради.

Бешинчи мантра

*кришнети йасйа гири там манасадрийета
дикшасте чет пранатибхиш ча бхаджантам ишам
шушрушайа бхаджана-виджнам ананйам анйи-
ниндади-шунйи-хридам ипсита-санга-лабдхйа*

"Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиб юрган содиққа хаёлан эҳтиром кўрсатиш лозим; рухий устоздан (дикша)фотиҳа олиб, Илоҳларга

шаҳсан хизмат қилиб юрган вайшнав олдида камтарин ҳолда сажда қилиш лозим; қалбида бошқаларни танқид қилиш истагидан асар ҳам қолмаган, Худога садоқат билан бетиним хизмат қилишда юксак даражага эришган асл содиқ хизматкор билан ҳамсуҳбат бўлиш, унинг насиҳатларини тинглаш, ихлос ва садоқат билан унинг хизматини қилишга интилиш лозим".

Изоҳ: Худонинг содиқлари билан бўлган ўзаро муносабатларда аввалги мантрада айтиб ўтилган олти қоидага риоя қилиб яшаш деганда ўзимиз яқин муносабатда бўладиган **одамларни** жуда **эҳтиёткорлик ва синчковлик билан танлашни** назарда тутади. Шу боис Шрила Рупа Госвами бизга ҳар бир *вайшнав* билан унинг Худога садоқат билан хизмат қилишда эгаллаб турган ўрни(мартабаси)га қараб муомала қилишни насиҳат беради. Мазкур мантрада у уч турли тоифага мансуб содиқлар - *каништха-адхикари, мадхйама-адхикари* ва *уттама-адхикари* билан қандай муомала қилиш кераклигини тушунтирган. *Каништха-адхикари* - ҳали рухий устоздан фақат биринчи - *хари-нама-дикша*, яъни, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга фотиҳа олган ҳамда Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга ҳаракат қилиб юрган содиқ ҳисобланади. Бундай содиқни биз *каништха-вайшнав* сифатида ҳурмат қилиб, унга хаёлан сажда қилишимиз лозим. *Мадхйама-адхикари* - бу, рухий устоздан тўлиқ фотиҳа олган(икки бор туғилган), унинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиб, ўзининг бутун вақтини Худога соф садоқат билан хизмат қилишга сарфлаб юрган содиқдир. *Уттама-адхикари* - Худога садоқат билан хизмат қилишда юқори поғонага кўтарилган комил содиқ. *Уттама-адхикарининг* қалби бутунлай пок бўлиб, унда бошқаларни ҳақорат қилиш, танқид қилиш истагидан асар ҳам қолмаган. У рухий ўзликни англашнинг энг олий – Парвардигорни муқаммал англаш поғонасига кўтарилган зот. Шрила Рупа Госвамининг гапларига қараганда, ҳар бир содиқ ана шундай комил содиқ, *маха-бхагавата* билан ҳамсуҳбат бўлишга ва унга хизмат қилишга интилиши лозим.

Фақат эҳромда ўрнатилган Илоҳларга сажда қилиш маросимлари қизиктирадиган қуйи, биринчи тоифа содиқ, яъни *каништха-адхикари* поғонасида узоқ вақт қолиб кетмаслик керак. Бундай содиқнинг ҳолати "Шримад Бхагаватам"да келтирилган(11.2.47):

*арчайам эва харайе
пуджам йах ираддхайехате
на тад-бхактешу чанйешу
са бхактаҳ пракритаҳ смритаҳ*

"Эҳромда Илоҳларга чуқур иймон ва садоқат билан сажда қиладиган, лекин, бошқа одамлар ва Худонинг содиқлари билан қандай муомала қилишни билмайдиган содиқ *пракрити-бхакта*, яъни *каништха-адхикари* деб аталади".

Каништха-адхикари поғонасидан иложи борица тезроқ *мадхйама-адхикари* поғонасига кўтарилиб олиш керак. *Мадхйама-адхикари* қандай бўлиши ҳам "Шримад Бхагаватам"да таърифланган(11.2.46):

*шиваре тад-адхинешу балишешу двишатсу ча
према-маитри-крипекшиа йах кароти са мадхйамаҳ*
"Мадхйама-адхикари - ягона Парвардигорга ўзи севиши, қалбида муҳаббат уйғотиши лозим бўлган энг олий Зот сифатида сажда қиладиган, Худонинг содиқлари билан дўстона муносабатда бўладиган, ғофил одамларга ҳамдард ва меҳрибон ҳамда

имонсиз ҳасадгўй одамлардан узок юрадиган содикдир".

Худога садоқат билан хизмат қилишга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш қоидалари шундан иборат, бу мантрада Шрила Рупа Госвами биз ҳар хил тоифага мансуб содиклар билан қандай муомала қилишимиз кераклигини тушунтириб берган. Биз ҳаётда турли тоифага мансуб содикларга дуч келамиз. *Пракрита-саҳаджийалар* ҳам одатда Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юрадилар, лекин уларнинг қалбида мол-дунёга, бойликка, аёлларга ва маст қилувчи нарсаларга бўлган боғланиш сақланиб қолган бўлади. Гарчи улар Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган бўлсалар ҳам, ҳали уларнинг қалби етарли даражада покланмаган. Уларга ҳаёлан сажда қилиш лозим, лекин улар билан ҳамсуҳбат бўлмаслигимиз лозим. Агар Худонинг асл содикларининг кўрсатмаларига риоя қилиб яшашга **самимий интилаётган бўлсалар**, иймонсиз одамлар орасида яшаётгани сабабли **адашиб юрган бегуноҳ ғофил одамларга ҳамдардлик билдириш** ва уларнинг руҳий юксалишига **ёрдам беришга ҳаракат қилиш лозим**. Ҳақиқий руҳий устоздан биринчи фотиҳа олган ва унинг кўрсатмаларига амал қилишга ҳаракат қилиб юрган содикларга эса, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш керак.

Кришнани англаш Халқаро жамияти одамларнинг ижтимоий келиб-чиқиши, дини, ирки қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар бир инсонга Худони англаш имконини беради. Биз ҳаммани жамиятимиз фаолиятида иштирок этишни, эҳромларимизга, марказларимизга ташриф буюришни, ширин прасаддан тоғиб, Парвардигор ҳақида тинглашни таклиф қиламиз. Агар Худони англаб етишга самимий интилаётган ва руҳий ҳаёт билан яшай бошлаш учун фотиҳа олиш истагини билдирган кишини учратиб қолсак, у ҳам Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш имконига эга бўлиши учун биз уни шогирдликка қабул қиламиз. Агар янги содик руҳий устоздан фотиҳа олган, унинг кўрсатмаларига амал қилиб, Худога садоқат билан хизмат қила бошлаган бўлса, уни ҳақиқий *вайшнав* ўрнида кўриб, унга ҳам муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш керак. Ана шундай кўплаб вайшнавлар орасидан мунтазам равишда тасбеҳда маълум миқдорда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, ҳамиша Ҳақиқат илмини **иложи борича кўпроқ одамларга ўргатишнинг замон ва макон талабларига мос янги-янги усулларини излайдиган** ва Худога садоқат билан хизмат қилишга жиддий эътибор берадиган, руҳий ҳаётнинг барча қонун-қоидаларига мукамал риоя қилиб яшайдиган биргина содик чиқиб қолиши мумкин. Ана шундай содикни *уттама-адхикари*, яъни Худога садоқат билан хизмат қилишда юқори поғонага кўтарилган содик деб ҳисоблаш ва ҳамиша у билан ҳамсуҳбат бўлишга интилиш керак.

"Чайтанйа Чаритамрита"(Антйа, 4.192)да содикнинг қалбида Парвардигорга боғланиш туйғусини ривожлантиришнинг осон усули таърифланган:

*дикша-кале бхакта каре атма-самарпана
сеи-кале кришна таре каре атма-сама*

"Ўз ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаб, руҳий устоздан фотиҳа олган содикни Парвардигор худди Ўзи билан бир поғонада турган буюк зот сифатида эъзозлай бошлайди".

"Бхакти-сандарбха" асарида Шрила Жива Госвами ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олишнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб берган(868):

*дивйам жнанам йато дадйат
курйат папасйа санкиайам*

*тасмад дикшети са прокта
дешикаис таттва-ковидашу*

"Дикша, яъни руҳий устоздан фотиҳа олиш шарофати билан инсон қалбида дунёвий моддий лаззатларга боғланиш туйғуси аста-секин сусайиб, руҳий ҳаётга интилиш туйғуси кучая боради".

Бунга, айниқса Европа ва Америка ёшлари орасидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Шогирдларимнинг аксарият кўпчилиги бадавлат ва обрўли хонадонларда туғилган ёшлар бўлиб, улар тез вақт ичида дунёвий ҳаёт лаззатларидан бутунлай воз кечиб, ихлос ва иймон билан руҳий ҳаёт кечиришга киришиб кетяптилар. Жуда бадавлат хонадонда, қулай шароитларда ўсиб-улғайган бўлишига қарамай, улар эҳромлардаги "яшаш учун қулай" деб ҳисоблаб бўлмайдиган шароитларда яшашга рози бўлганлар. Худони мамнун қилиш, Худонинг содиклари билан ҳамсуҳбат бўлиш учун улар ҳар қандай оғир шароитларда яшашга тайёр эканини кўрсатяптилар. Агар инсон ўз қалбини моддий лаззатларга интилиш туйғусидан шу даражада покласа, у ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олиши мумкин. Руҳий юксалишда баркамолликка эришишга жиддий интилиб юрган одамларга "Шримад Бхагаватам"да шундай насиҳат берилган:(6.1.13): *тапаса брахмачарйена шамена ча дамена ча*. Ҳақиқий руҳий устоздан *дикша* фотиҳа олишга самимий интилаётган киши қаттиқ риёзат ва, кийинчиликларни бошидан кечиришга, жинсий поклигини сақлаб юришга, ақли ва танасини жиловлаб олишга тайёр бўлиши лозим. Ана шу шартларга рози бўлган ва илоҳий илм(*дивйам гйанам*) олишга жиддий интилаётган киши ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олишга муносиб инсон бўлади. Муқаддас китоблар тилида *дивйам гйанам* ибораси - *тад-вигйана*, яъни, "Худо ҳақидаги илоҳий илм" деб аталади. *Тад-виджнанартхам са гурум эвабхигачхет*: Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илоҳий илмни излаб юрган киши бунга фотиҳа олиши лозим. У руҳий устозга мурожаат қилиб, ундан *дикша*, руҳий ҳаёт кечиришга фотиҳа беришини сўраши лозим". "Шримад Бхагаватам" (11.3.21)да ҳам айтилганки, *тасмад гурум прападйета жижнасух ирейя уттамам* - "Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илоҳий илмни ўрганишга ҳақиқатан ҳам жиддий интилаётган киши ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиши лозим".

Агар унинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашни истамасангиз руҳий устозга мурожаат қилиб юришнинг ҳожати йўқ. Руҳий устоздан фотиҳа олишга ва руҳий фаолиятга қандайдир ўткинчи, ҳамма шундай қилгани учун бажариш лозим бўлган иш(мода, ҳобби) деб қарамаслик керак. Шогирд *жижнаса* бўлиши, яъни руҳий устоздан Мутлақ Ҳақиқат, **Худо ҳақида илм ўрганиш иштиёқида қалби ёниб туриши керак**. Руҳий устозга фақат илоҳий илмга тааллуқли бўлган саволлар билан мурожаат қилиш лозим(*жижнасух ирейя уттамам*). Уттамам ибораси "моддий илм чегарасидан ташқаридаги нарсалар" деган маънони англатади. *Тама* дегани "моддий олам зулмати" маъносини англатади, ут ибораси эса - "илоҳий" деган маънони билдиради. Одатда одамларни фақат дунёвий ҳаёт билан боғлиқ бўлган нарсалар қизиқтиради; аммо, инсоннинг қалби моддий нарсаларга қизиқиш иллатидан покланиб, ўзининг бутун эътиборини илоҳий мавзуларга қарата бошлаганида, у руҳий устоздан фотиҳа олишга муносиб бўлади. Ҳақиқий руҳий устоздан фотиҳа олган ва жиддий равишда Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрган содикни *мадхйама-адхикари* деб ҳисоблаш лозим.

Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилиш - шу қадар қудратли илоҳий жараёнки, агар инсон Ҳаре Кришна мантрасини ҳақоратларсиз зикр қилиб юрса, у аста-секин Парвардигорнинг муқаддас номи билан Унинг Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини англаб, буни ҳамиша яққол ҳис қилиб юради. Ана шундай иймон-этикодга эга бўлган содиқни содиқларнинг ҳаммаси ҳурмат-иззат қилиши лозим. Шуни яхши билиб олиш лозимки, Худонинг муқаддас номларини ҳақоратларсиз зикр қилиш - Худони англаб етишда муваффақият қозонишнинг асосий шарти ҳисобланади. "Чайтанья Чаритамрита"(Мадхйа, 22.69)да шундай дейилган:

*йахара комала шраддха се "канишитха" жана
краме краме тенхо бхакта ха-ибе "уттама"*

"Худога бўлган ишончи мустаҳкам бўлмаган кишини "канишитха-вайшнава" деб айтадилар, лекин вақт ўтиши билан у комил вайшнава бўлиб етиша олади".

Ҳар бир содиқ Худога садоқат билан хизмат қилишни *канишитха* поғонасидан бошлайди, аммо тасбеҳда мунтазам равишда маълум миқдорда Худонинг муқаддас номлари(*хари-нама*)ни диққат билан зикр қилиб юрган содиқ руҳий юксалиш зинапоясидан поғонама-поғона кўтарилиб, тез орада *уттама-адхикари* даражасига эришади. Ғарбий давлатларда ўсиб-улғайган одамлар фикрини тасбеҳда *хари-нама* зикр қилишда узоқ вақт жамлашга қодир бўлмагани сабабли, Кришнани англаш Халқаро жамиятида улар учун Худонинг муқаддас номларини зикр қилишнинг энг кам миқдори ўн олти доира қилиб белгиланган. Аммо Шрила Бхактисиддхантас Сарасвати Тхакур "ҳар куни Худонинг муқаддас номларини камида(юз минг марта) 64 доира зикр қилмайдиган кишини *патита*(адашган, иймонсиз) одам деб ҳисоблаш керак" деб айтган. Унинг мана шу талабига биноан биз ҳаммамиз адашган одамлармиз, лекин Худога садоқат билан хизмат қилишга бўлган жиддий ва самимий интилишимиз бизга *патита-навана*, яъни, "адашган зотларга нажот берувчи" бўлган меҳрибон Парвардигор, Шри Чайтанья Махапрабхунинг марҳаматидан умидвор бўлиш имконини беради.

Шри Чайтанья Махапрабхунинг буюк содиқларидан бири Шрила Сатйараджа Кхан Ундан ҳақиқий вайшнавини қайси фазилатига қараб бошқалардан ажратиб олиш мумкин, деб сўраганида, Парвардигор унга шундай жавоб берди:

*прабху қахе, - "йанра мукхе шуни эка-бара
кришна-нама, сеи пуджйа, - шрешитха сабакара"*

"Агар кимнингдир атиги бир марта "Кришна" деб айтганини эшитган бўлсангиз, уни атрофингиздаги одамлар ичида энг яхши инсон деб ҳисоблашингиз лозим"(Ч.ч.Мадхйа,15.106). Чайтанья Махапрабху давом этди(15.111):

*"атаева йанра мукхе эка кришна-нама
сеи та" вайшнава, қариха танхара саммана"*

"Қалбида Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилишга қизиқиш уйғонган ёки ҳамиша Парвардигорнинг номини зикр қилиб юришни ёқтирадиган кишини *вайшнава* деб ҳисоблаш ва унга ҳеч бўлмаса ҳаёлан ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш лозим".

Бизнинг яқин дўстларимиздан бири, машҳур инглиз хонандаси(Жорж Харрисон)га Ҳаре Кришна мантрасини такрорлаш ёқиб қолган, у хатто ўзининг қўшиқларида ҳам бир неча марта Кришнанинг номини айтган. У уйда ҳам деворга Кришнанинг тасвирини ҳурмат билан осиб қўйибди, тез-тез уйига Худонинг

содиқларини меҳмонга таклиф қилиб туради. Умуман олганда у Парвардигорнинг муқаддас номини ва кароматларини жуда юкори эъзозлайди, шу боис, бу муносиб инсоннинг Худони англаб етишда эришаётган ютуқларини кўриб, биз уни жуда ҳурмат қиламиз. Ана шундай мўътабар инсонларни ҳамиша ҳурмат қилиш лозим. Демак, **қалбида илоҳий онг ривожлантиришга самимий интилиб, мунтазам равишда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган ҳар бир инсонга вайшнавалар чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатишлари лозим.** Аксинча, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга жиддий эътибор бермагани сабабли, буюк тарғиботчилар сифатида машҳур бўлган менинг кўплаб тенгдошларим вақт ўтиши билан ҳақиқат йўлидан адашиб, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар қурбони бўлиб қолганини кўрганман.

Санатана Госвамига берган насиҳатларида Шри Чайтанья Махапрабху Худога садоқат билан хизмат қилишни уч тоифага бўлган.

*шаистра-йукти нахи жане дридха, шраддхаван
"мадхйама-адхикари" сеи маха-бхагйаван*

"Муқаддас китоблардан олган илми саёз, аниқ мантиқий хулосага эга бўлмаган, лекин қалбида Худонинг муқаддас номини зикр қилишга тўла ишонч ҳосил қилган ва ҳар қандай шубҳа-гумонлардан халос бўлиб муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишини *мадхйама-адхикари* деб ҳисоблаш керак. Ундай одам бу дунёдаги энг омадли инсонлардан биридир" (Ч.ч.Мадхйа, 22.67).

Мадхйама-адхикари - шраддхаван, яъни "мустаҳкам иймонга эга" инсон бўлиб, унда Худога садоқат билан хизмат қилишда тўла муваффақиятга эришиш учун барча имкониятлар бор. Шунинг учун "Чайтанья Чаритамрита"(Мадхйа, 22. 64)да шундай дейилган:

*шраддхаван жане хайа бхакти-адхикари
"уттама", "мадхйама", "канишитха" - шраддха-анусари*
"Худога садоқат билан хизмат қилишда кимнинг қайси поғонада - *уттама*, *мадхйама* ва *канишитха* поғонасидами - туриши унинг қалбидаги иймони, ишончи билан аниқланади".

"Чайтанья Чаритамрита"(Мадхйа, 22.62)да шундай дейилган:

*"шраддха-шабде - вишваса қахе судридха нишчайя
кришне бхакти қаиле сарва-карма крита хайа*

"Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан инсон айти пайтда ўзининг бу дунёдаги бошқа бурч-вазифаларини ҳам мукамал бажариб юрган бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг асосини ташкил этадиган ана шундай чуқур ва комил ишонч *шраддха* деб аталади".

Худони англаш жараёни шраддхадан, ана шундай комил иймондан бошланади. Ишонч, иймон деганда биз мустаҳкам, ўзгармас иймонни назарда тутамиз. Ягона Парвардигорга тўлиқ иймон келтирган киши учун Унинг муқаддас "Бхагавад-гита"да айтган гаплари ишончли аниқ кўрсатма ҳисобланади. Содиқ Парвардигорнинг "Бхагавад-гита"да айтган ҳар бир гапини ўзича талқин қилмасдан, қандай бўлса шундайлигича тўғридан-тўғри қабул қилиб олиши лозим. Аржун "Бхагавад-гита"ни шу тарзда қабул қилган. Парвардигор "Бхагавад-гита"ни гапириб бергандан кейин Аржун Унга шундай деганди: *сарвам этад ритам манйе йан мам вадаси кешава* - **"Эй Парвардигор, Сенинг ҳар бир гапингни мен аниқ ҳақиқат деб қабул қиламан"**(Б.г.10.14).

"Бхагавад-гита" таълимотини тўғри тушуниб олишнинг калити мана шунда, ана шу - комил ишонч,

шраддха деб аталади. "Бхагавад-гита"нинг бир қисмини қабул қилиб, ўзича талқин қилган ҳолда унинг бошқа бир қисмини инкор этмаслик керак. Буни *шраддха* деб бўлмайди. *Шраддха* – сиз "Бхагавад-гита"нинг барча кўрсатмаларини, айниқса, ундаги охириги кўрсатмасини чуқур ишонч билан қабул қиласиз деганни билдиради: *сарва-дхарман паритяджя мам экам шаранам враджа* - **"Бошқа барча амал(дин)ларни тарк эт ва ўз ихтиёрингни бутунлай Менга топшир!"**(Б.г.18.66). Инсон қалбида Парвардигорнинг мана шу кўрсатмасига ўзгармас комил ишонч ҳосил қилганида, ана шу ишончи унинг рухий юксалишда муваффақият қозонишига мустаҳкам асос бўлади.

Ўзининг бутун вақтини Ҳаре Кришна махамантрасини зикр қилишга бағишлаган киши аста-секин ўзининг рухий табиатини англаб ета бошлайди. Токи инсон қалбида Худога **тўлиқ ишонч билан** Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишни бошламас экан, Парвардигор унга Ўзини ошкор этмайди: *севонмукхе хи жихвадау свайам эва спхуратй адах*("Бхакти-расамрита-синдху",1.2.234). Ҳеч қандай сунъий йўллар билан Худони, ягона Парвардигорни англаб етишнинг иложи йўқ. Бунинг учун биз Парвардигорга **чуқур ишонч ва садоқат билан хизмат қилишимиз** лозим. Ана шундай хизмат қилиш тилдан бошланади(*севонмукхе хи жихвадау*), бу эса - биз ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, фақат *кришна-прасад* истемол қилиб юришимиз лозимлигини билдиради. Бошқа ҳеч қандай номларни зикр қилмаслик, бошқа ҳеч қандай таом истемол қилмаслик керак. Агар содиқ бошқа нарсаларга чалғимасдан мана шу қоидага қатъий амал қилиб яшаса, ягона Парвардигор унга Ўзини албатта ошкор этади.

Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини англаб етгандан кейин инсонда Худога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг ҳаммасига бўлган кизиқиш ўзидан ўзи сусая бошлайди. Ҳамиша **Парвардигор ҳақида ўйлаб юриб, Худонинг муқаддас номларини ғофил одамлар орасида тарқатишнинг янгидан-янги усулларини ўйлаб топиш билан машғул бўлган содиқ** англаб етадики, унинг бу дунёдаги **ягона бурчи – Худони англаш илмини тарқатиш** фаолиятини бутун жаҳон бўйлаб кенгайтиришдан иборат. Ана шундай инсонни *уттама-адхикари* деб ҳисоблаш ва юқорида кўрсатилган олти қоида(*дадати, пратигрихнати...*) асосида у билан яқин муносабатда бўлиш йўлларини излаш керак. Аслини олганда, инсон ана шундай вайшнав-содикни, яъни *уттама-адхикарини* рухий устоз сифатида қабул қилиши лозим. Инсон ўзининг бутун мол-мулкни, ўз ихтиёрини бутунлай унга топшириши лозим, чунки муқаддас китобларда: инсон ўзининг бутун бойлигини рухий устозига топшириши лозим, дейилган. Масалан, шогирд-брахмачари, одамлардан садақа сўраб, тўплаган нарсаларининг ҳаммасини рухий устозига бериши лозим. Лекин, ҳали рухий ўзлигини англаб етмаган содиқ *маха-бхагаватага, буюк содиққа* таклид қилмаслиги керак, чунки бундай қилиш оқибат-натияжада унинг ҳақиқат йўлидан адашишига сабаб бўлади.

Шрила Рупа Госвами мазкур мантрада содиқларга *каништха-адхикари, мадхйама-адхикари* ва *уттама-адхикари*ларни бир биридан ажрата билишни ўрганишни маслаҳат беради. Шунингдек, содиқ Худога садоқат билан хизмат қилишда **ўзининг эгаллаб турган ўрнини** ҳам яхши билиб олиши ва ўзидан юқори поғонада турган содиққа таклид қилмаслиги лозим. Шрила Бхактивинода Тхакур *уттама-*

адхикарини бошқа содиқлардан ажратиб олишга имкон берадиган бир неча амалий кўрсатмалар бериб кетган. Масалан, *уттама-адхикари* адашган **ғофил одамларни Худонинг содиқларига айлантира олиш** қобилияти билан ажралиб туради. *Уттама-адхикари* поғонасига кўтарилмай туриб рухий устоз бўлмаслик керак. *Каништха-вайшнавлар,* шунингдек, рухий юксалишнинг ўрта поғонасида турган вайшнавлар ҳам ўзлари билан бир поғонада турган одамларни ўзларига шогирдликка қабул қилишлари мумкин. Лекин, уларга шогирд бўлган содиқлар, унинг ҳали мукамал бўлмаган кўрсатмалари асосида ҳаракат қилиб, инсон ҳаётининг олий мақсади йўлида сезиларли муваффақиятга эриша олмаслигини тушунишлари лозим. Шу боис, инсон рухий устоз сифатида албатта *уттама-адхикари,* комил вайшнавни қабул қилиши рухий юксалишда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Олтинчи мантра

*дриштаиҳ свабхава-жанитаир вапушаи ча дошаир
на пракритатвам иха бхакта-жанасйа паийет
гангамбхасам на кхалу будбуда-пхена-панкаир
брахма-драватвам апагаччхати нира-дхармаиҳ*

"Худони англаб етган асл содиқ ўзининг азалий, бошланғич ҳолатида бўлади, шу боис у танасини ўзига қиёсламайди. Ундай инсонга дунёвий тасаввурлар нуқтаи-назаридан баҳо бермаслик керак. Содиқнинг ижтимоий келиб чиқишига, ирки(танасининг ранги)га, танасининг нуқсонига, хасталигига ёки ожизлигига эътибор бермаслик керак. Бундай нуқсонлар дарров оддий одамнинг кўзига ташланиши мумкин, лекин ҳар қандай моддий нуқсонлар бўлишига қарамай, асл содиқнинг танасини бу моддий оламда ҳеч қачон ҳеч нарса булғай олмайди. У худди ёмғир палласида лойқа ва кўпиклар тўлиб оқадиган муқаддас Ганга сувларига ўхшайди. Ганга сувларини ҳеч қачон ҳеч нарса булғаб нопок қила олмайди. Ривожланган илоҳий онг соҳиби бўлган кишилар сувнинг кўринишига эътибор бермасдан, ҳамиша Ганга сувларида ювиниб покланаверадилар".

Изоҳ: *Шуддха-бхакти* - руҳнинг табиатига мос бўлган рухий фаолият билан, яъни, Худога илоҳий муҳаббат туйғуси билан фақат рухий озодликка чиққан ҳолатда хизмат қилиш мумкин. "Бхагавад-гита"(14.26)да шундай дейилган:

*мам ча йо "вйабхичарена бхакти-йогена севате
са гунан саматитйаитан брахма-бхуйайа калпате*
"Ўз умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бахшида этган, ҳар қандай вазиятда ҳам бу йўлдан четга чиқиб кетмайдиган киши шу захотиёқ моддий табиат гуналаридан юқори кўтарилади ва Брахман поғонасига эришади".

Авйабхичарини бхакти ибораси "бенуқсон соф садоқат" деган маънони англатади. **Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши бундан моддий манфаат кўзлаш иллатидан бутунлай покланиши лозим.** Худони англаш йўлида юрган кишилар жамоасига қўшилишни истаган киши ўзининг **онгини бутунлай ўзгартириши лозим.** Бу дунёда **лаззатланиб**

яшашга интилишга асосланган онг - дунёвий, моддий онг ҳисобланади, фақат Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишда мужассам бўлган онг – илоҳий онг бўлади. Ўзини Худога топширган киши ҳеч қандай моддий манфаат кўзламасдан Худога хизмат қилади(*анйабхилашита-иунйам*). *Джнана-кармадй-анавритам*: Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қилиш “соф бхакти-йога” деб аталади, у *гйана, карма* сингари тана ва ақлнинг фаолиятига нисбатан илоҳий табиатга эга. *Бхакти-йога* – руҳнинг табиий фаолияти, Парвардигорга бирор моддий истак-интилиш билан булганмаган соф садоқат билан хизмат қилиб юрган киши руҳий озодликка эришади(*са гунан саматитйаитан*). Гарчи таналари моддий жиҳатдан шартлангандай бўлиб кўринса ҳам, Худонинг содиқлари моддий шароитларга боғлиқ эмас. Шу боис Худонинг асл содиқ хизматкори ҳақида моддий тасаввурлар нуқтаи-назаридан мулоҳаза юритиб бўлмайди. Токи инсон ўзи ҳақиқий содиқ даражасига етмагунча бошқа содиқларни муносиб кадрлай олмайди. Аввалги шеърда айтилганидай, Кришнанинг содиқлари уч тоифага бўлинади: *канишитха-адхикари, мадхйама-адхикари* ва *уттама-адхикари*. **Канишитха-адхикари Худонинг содиқларини бошқа одамлардан ажрата олмайди. Уни фақат эҳромларда Илоҳларга сажда қилиб сизгиниш қизиқтиради.** Ундан фарқли равишда *мадхйама-адхикари* содиқлар билан иймонсиз одамлар орасидаги ҳамда Худонинг содиқлари ва Парвардигор орасидаги фарқни яхши билади. Шунинг учун у Худо Шахсига, Худонинг содиқларига ва оддий одамларга нисбатан турлича муносабатларда муомала қилади.

Ҳеч ким Худонинг асл содиқ хизматкорининг танасининг нуқсонларини танқид қилмаслиги керак. Ҳатто унинг танасида қандайдир нуқсонлар бўлса ҳам, уларга эътибор бермаслик керак. Биз фақат бир нарсани билиб олишимиз лозим: **Худога ҳамиша соф садоқат билан хизмат қилиш - руҳий устознинг бу дунёда қиладиган ягона иши** ҳисобланади. "Бхагавад-гита"да айтилганидай(9.30):

*ати чет судурачаро бхаджате мам ананйя-бхак
садхур эва са мантавайах самйаг вйавасито хи сах*

"Ҳатто Худонинг содиқ хизматкори баъзан қандайдир номуносиб иш қилиб қўйса ҳам, барибир уни табаррук авлиё инсон деб ҳисоблаш керак, чунки унинг бутун ҳаётининг мазмуни ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат". Бошқача қилиб айтганда, уни оддий инсон деб ҳисобламаслик керак.

Вақтининг ҳаммасини Худога садоқат билан хизмат қилишга сарфлаб юрган содиқларга, ҳатто улар брахманлар ёки госвамилар хонадонига мансуб бўлмасалар ҳам, оддий одамлардай муносабатда бўлиш мумкин эмас. Аслини олганда дунёвий, моддий кадрятларга асосланган ижтимоий келиб чиқишига караб ёки меросхўр сифатида *госвами* бўлиш мумкин эмас. *Госвами* деган унвонга фақат Худонинг асл содиқлари муносиб бўладилар. Шунинг учун биз бу ерда Шрила Рупа Госвами ва Санатана Госвами бошлиқ вриндаванлик олти Госвамини назарда тутяпмиз. Рупа Госвами ва Санатана Госвами аввал мусулмон динига ўтган, ҳатто исмларини ҳам Дабир Кхаса ва Сакар Маллик деб ўзгартирган эдилар, аммо Шри Чайтанйа Махапрабхунинг Ўзи уларга Госвами унвонини берган. Шундай қилиб, Госвами унвони авлоддан-авлодга мерос сифатида берилмайди. Ўзининг сезгиларини, ҳис-туйғусини жиловлаб олган, уларни бошқара оладиган кишини Госвами деб атайдилар. Нафси, сезгилари Худонинг содиқларини эмас, балки

Худонинг содиқлари ўзларининг сезгиларини, нафсини бошқарадилар. Шунинг учун ҳатто *госвами* оиласида туғилмаган бўлса ҳам, Худонинг содиқ хизматкорини *свами* ёки *госвами* деб атайдилар.

Ана шу қоидага кўра, госвамилар - Шри Нитйананда Прабху ва Шри Адвайта Прабхунинг авлодлари - албатта, Худонинг содиқларидирлар, лекин бундан улар бошқа оилалардан чиққан содиқларни менсимаслиги, ўзларини улардан юқори қўйишлари керак деган хулоса келиб чиқмайди; буюк ачарйаларнинг оиласидан бўладими ёки оддий инсонлар орасидан чиққанми – Худонинг содиқларининг ҳаммасига бир хил муносабатда бўлиш керак. "Э-э, бу *госвами* Америкалик экан-ку!" - деб, уни писанд қилмаслик, ёки: "О-о, мана бу *госвами* - *нитйананда-вамиша-госвами* экан!" - деб, унга алоҳида хурмат-эҳтиром кўрсатмаслик керак. Биз Кришнани англаш Халқаро жамиятида америкалик вайшнавларга *Госвами* унвонини бера бошлаганимизда, бу қаттиқ яширин эътирозларга сабаб бўлди. Ҳатто америкалик содиқларга очикдан-очик: "сизларнинг унвонларингиз қалбаки, ҳақиқий эмас!" - деган одамлар ҳам бўлди. Лекин, Шрила Рупа Госвами мазкур мантрада таъкидлаганидай, америкалик *госвами* буюк ачарйалар хонадонига туғилган госваמידан фарқ қилмайди.

Аксинча, гарчи *брахман* ёки *госвами* хонадонига, Нитйананда ёки Адвайта Прабху хонадонига туғилмаган бўлса ҳам, барибир *госвами* унвонига эга бўлган содиқ шунчаки *госвами* даражасига эришганидан мағрурланиб кетмаслиги керак. У ҳамиша эсида саклаши лозимки, **мағрурликка берилган заҳоти у ҳақиқат йўлидан адашади.** Худони англаш ҳаракати - илоҳий илм ўрганиш жараёни бўлиб, унда ҳасад туйғусига заррача бўлса ҳам ўрин йўқ. Бу жамият парамахамсалар, яъни, ҳасад туйғусидан бутунлай покланган инсонлар учун мўлжалланган(*парамам нирматсаранам*). Инсон *госвами* оиласида туғилганми ёки бу унвонга ўзи эришганми - унинг қалби ҳасад туйғусидан бутунлай пок бўлиши лозим. Инсон қалбини ҳасад туйғуси эгаллаб олган заҳоти у тубанликка юз тутуди ва *парамахамса* деб аталиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Шуни тушуниш лозимки, вайшнавнинг танаси билан боғлиқ бўлган нуқсонларни танқид қилиш билан биз унинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилган бўламиз. Вайшнавнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиш жуда оғир гуноҳ ҳисобланади. Шри Чайтанйа Махапрабху бундай гуноҳни *хати-мата*, яъни, "кутурган фил" деб атаган. Кутурган фил, айниқса, у чиройли парваришлаб қўйилган гулзорга кириб қолса, жуда катта талафот келтиради. Шунинг учун жуда эҳтиёт бўлиш, ҳеч қачон вайшнавларни ҳақорат қилмасликка ҳаракат қилиш лозим. Ҳар бир содиқ катта содиқларнинг кўрсатмаларига амал қилиши, тажрибали содиқлар эса, ҳамиша ҳар бир ишда ўзидан кейингиларга ёрдам беришлари лозим. **Вайшнавларнинг катталиги уларнинг Худони англаш йўлидаги руҳий юксалиш даражаси билан аниқланади.** Асл содиқнинг фаолиятини дунёвий нуқтаи-назарга асосланган ҳолда баҳолашнинг умуман иложи йўқ. Бундай қилиш, айниқса, Худони англаш йўлига энди кирган содиқлар учун жуда хатарли. Шу боис, асл содиқнинг ташки кўринишини эмас, балки унинг ички дунёсини кўра билишга интилиш, унинг Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрганини эсдан чиқармасликка ҳаракат қилиш лозим. Фақат шу йўл билангина асл содиқни моддий нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда баҳолашдан сақланиш ҳамда вақти

келиб ўзимиз ҳам Худонинг асл содиқ хизматкори бўлиб етишишимиз мумкин.

Худони англаш йўлини қандайдир чекланган одамлар гуруҳи билан ёки Худонинг содиқларининг кичик бир гуруҳи ёки маълум бир географик чегара билан боғлайдиган кишилар одатда содиқнинг ташқи сифатларига аҳамият бераётган бўлади. Буюк содиқнинг Парвардигор олдидаги улуғвор хизматини муносиб баҳолай олмайдиган бундай тажрибасиз содиқлар *маха-бхагават* содиқни ўзлари турган паст поғонага туширишга уринадилар. Худони англаш илмини бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қилар эканмиз, биз бундай ҳолларга жуда кўп марта дуч келганмиз. **Афсуски, атрофимиздаги руҳий оғаларимиз Худони англаш таълимотини бутун жаҳон бўйлаб тарғибот қилиш билан боғлиқ фаолиятнинг алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканини тушунишга қодир бўлмаган ана шундай содиқлардир. Улар ҳамиша бизни ҳам ўзлари турган поғонага тушириб қўйишга уринадилар ва шу мақсадда бизнинг амалга ошираётган ҳар бир ишимизни танқид қиладилар. Уларнинг қилаётган бу ишларидан кўриниб турган калтафаҳмлигини ва илми саёзлигини кўриб, биз фақат чин юракдан уларга ачинамиз, холос.** Ишончли ваколатга эга бўлган ва Парвардигорга ана шундай нодир илоҳий хизмат қилиш билан шугулланиб юрган содиқни ҳеч қачон оддий инсон деб ҳисобламаслик керак, чунки, фақат Парвардигорнинг шахсан Ўзи алоҳида ваколат берган кишигина Худони англаш таълимотини бутун жаҳонга тарқатишга қодир бўла олади.

Худонинг асл содиқининг қилаётган ишларини танқид қилиш билан инсон уни ҳақорат(*вайшнава-апарадха*) қилган бўлади, бу эса Худони англаш йўлида муваффақият қозонишга интилаётган ҳар бир содиқнинг йўлида катта тўсиқ ҳисобланади. Вайшнавининг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиш билан инсон ўз руҳий фаолиятидан келадиган руҳий манфаатдан ўзини маҳрум қилади. Шу боис, қандай қилиб бўлса ҳам, Парвардигорнинг Ўзи алоҳида ваколат берган содиқ - *шуддха-вайшнава*га нисбатан ҳасад туйғусидан бутунлай халос бўлишга ҳаракат қилиш лозим. Ана шундай буюк содиқни жазолашим, унга насиҳатлар беришим ёки унинг хатоларини кўрсатишим мумкин, деб ўйлашнинг ўзи ҳам ҳақорат ҳисобланади. **Руҳий жиҳатдан юксалган содиқнинг қилиб юрган ишларига қараб, оддий содиқлардан ажратиб олиш мумкин.** Буюк содиқ ҳамиша руҳий устоз сифатида ҳаракат қилади, тажрибасиз содиқ эса, ҳамиша ўзини унинг шогирди деб билади. Ўзининг руҳий устозига насиҳат беришга шогирднинг ҳаққи йўқ, **бунинг устига руҳий устоз ўзининг шогирди бўлмаган одамлардан маслаҳат сўраб ўтиришга мажбур эмас.** Шрила Рупа Госвамийнинг олтинчи мантрада берган насиҳатларининг маъноси шундан иборат.

Еттинчи мантра

*сйат кришна-нама-чаритади-ситапй авидйа-
питтопатта-расанасйа на рочика ну
китв адарад анудинам кхалу саива жушта
свадди крамад бхавати тад-гада-мула-хантри*

"Парвардигор Кришнанинг муқаддас номи, ўйинлари ва кароматлари илоҳий табиатга эга ва худди сўроққандай ширин. Гарчи, *авидйа* ("Ғофиллик") кўринишидаги сариқ касалига учраган кишининг тили ширин таъмни сезишга қодир бўлмаса ҳам, шуниси ҳайратланарлики, мана шу ширин номларни мунтазам равишда ҳар қуни диққат билан такрорлаб юрса, унинг тилининг табиий ҳолати қайта тикланиб, ширинликдан лаззатланиш қобилияти яна пайдо бўлади ва вақти келиб у касалликдан бутунлай халос бўлади".

Изоҳ: Парвардигорнинг муқаддас номи, Унинг сифатлари, эрмаклари мутлақ ҳақиқат табиатига эга бўлиб, гўзаллик ва лаззатга тўла. Улар худди ҳаммага бирдай ёқадиган сўроққандай ширин таъмли. Одатда ғофиллик иллатини танада сафронинг ошиб кетишидан юзага келадиган сариқ касалига ўхшатадилар. Сариқ касалига чалинган беморнинг тили сўроққанднинг ширин ва мазали таъмидан лаззатлана олмайди. Аксинча, ширин нарсалар унга аччиқдай бўлиб туюлади. Худди шундай *авидйа*, яъни, ғофиллик иллати ҳам бизни Парвардигорнинг муқаддас номи, сифатлари, қиёфаси ва эрмакларининг илоҳий лаззатли ширин таъмидан лаззатланиш имкониятидан маҳрум қилади. Лекин, инсон ғофиллик касалига мубтало эканига қарамасдан, Худони англаш қоидаларига риоя қилиб яшаса, яъни, мунтазам равишда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб, Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юрса, - унинг онги ғофиллик иллатидан покланади, шунда унинг тили Парвардигорнинг илоҳий табиатининг ва У билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ширин таъминини қайтадан ҳис қила бошлайди. Фақат Худони англаш қонун-қоидаларига мунтазам равишда жиддий амал қилиб юрган кишигина ўзининг руҳий саломатлигини тиклай олади.

Худонинг хоҳишига мос турмуш тарзи билан яшашдан кўра моддий турмуш тарзи кўпроқ қизиқтирадиган кишини бемор деб ҳисоблаш керак. Тирик мавжудотнинг табиий ҳолати - ҳамиша Парвардигорнинг мангу хизматкори бўлиб қолиш: *живера сварупа хайа - кришнера нитйа-даса*. Тирик мавжудот Парвардигорнинг қуввати бўлган майянинг ташқи қиёфасига маҳлиё бўлиб, Худони эсдан чиқарганида ўзининг ана шу табиий ҳолатидан маҳрум бўлади. *Майя* салтанатини *дурашрайа*, яъни, "алдамчи, ишончсиз макон" деб атайдилар. Ўзининг орзу-умидларини *дурашрайага* боғлаган кишининг фақат бирор мўъжиза рўй беришини кутишдан бошқа иложи йўқ. Моддий оламда яшаётган ҳар бир инсон бахтга интилиб яшайди, гарчи унинг бахтга эришиш йўлидаги барча моддий уринишлари чиппақка чиқаётган бўлса ҳам, ғофиллиги сабабли у ўз хатоларини тушунишга қодир эмас. Бир хатосини тузатишга улгурмасдан у бошқа бир хатога йўл қўяди. Моддий оламда тирикчилик учун кураш шу тарзда давом этаверади. Агар шундай одамга Худони англаш йўлига кириш билан ҳақиқий бахтга эришишни таклиф қилсангиз, у сизнинг маслаҳатингизга қабул қилишни истамайди.

Биз **одамларни** ана шундай кўпол **ғофиллик** иллатидан халос этиш мақсадида бутун жаҳон бўйлаб Худони англаш илмини тарғибот қиламиз. Калтафаҳм раҳбарларга эргашиб, одамлар ҳақиқат йўлидан адашиб юрибдилар. Биз инсоният йўлбошчиларини - сиёсатчиларни, файласуф ва олимларни калтафаҳм деб аташимизнинг боиси шундаки, улар Худонинг хоҳиши нима эканини

билмайдилар. Имонсиз атеистларнинг турмуш тарзи билан яшайдиган ва шу боис ҳақиқат илмидан маҳрум бўлган одамлар "Бхагавад-гита"да ярамас, гунохкор ва энг пасткаш одамлар деб аталган:(7.15)

на мам дуикритино мудхаҳ прападийанте нарадхамаҳ майайанахрита-жнана асурам бхавам ашритаҳ

"Ғақат ақл-дрокини йўқотган иймонсизлар ва одамлар орасидаги энг пасткашлари, шунингдек илмини сароб(майя) ўғирлаб қўйганлар ҳамда худобехабар иблислар табиатига эга бўлган кишилар ҳеч қачон ўз ихтиёрини Менга топшира олмайдилар".

Ана шундай одамлар ҳеч қачон ўзини Худога топширмайдилар ва Худонинг паноҳига киришга интилаётган кишиларга халақит беришга ҳаракат қиладилар. Ана шундай иймонсиз атеистлар ҳокимият тепасига келиб қолса, жамиятда бутунлай ғофиллик ҳукмрон бўлиб олади. Ана шундай муҳитда яшаётган одамлар Худони англаш илмини тарқатиб юрган Халқаро жамият фаолияти билан мутлақо қизиқмайдилар – сариқ касалига чалинган одам ҳам сўроқ қанднинг ширин таъмини сезмайди. Лекин, шуни эсда тутиш лозимки, айнан сўроққанд сариқ касалини даволайдиган ягона дармон ҳисобланади. Худди шундай, инсоният ҳақиқат йўлидан адашган ҳозирги даврда, олам аҳлини ўзининг нормал ҳолатига қайтаришга қодир бўлган ягона йўл – Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилишдан иборат: Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре. Гарчи, Худони англаш таълимоти бемор кишига ёқимсиздай бўлиб туюлса ҳам, агар у саломатлигини тиклашни истаса, Шрила Рупа Госвамийнинг маслаҳатига қулоқ солиб, мана шу усулдан фойдаланиши лозим. Даволанишни Ҳаре Кришна махамантрасини зикр қилишдан бошлаш керак, чунки модда билан шартланиб қолган киши Парвардигорнинг муқаддас номларини зикр қилиш шарофати билан барча адашишлардан халос бўлади(*чето-дарпана-маржанам*). *Авидйа*, яъни ўзининг руҳий табиатини тушунмаслик – инсон қалбидаги *аханкара* - сохта ўзликнинг асосини ташкил этади.

Ҳақиқий касаллик инсоннинг қалбида жойлашган бўлади. Лекин, агар инсоннинг ақли, онги пок бўлса, моддий касаллик унинг учун хатарли эмас. Ақлни ҳар хил адашишлардан поклаш учун Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юриш лозим. Бу усул шунчалик осон бўлишига қарамай жуда самарали. Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиш бир зумда моддий тирикчилик оловини ўчириб ташлайди.

Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилиш жараёнини уч босқичга бўлиш мумкин: ҳақоратли зикр қилиш босқичи, ҳақоратлашнинг сусайиш босқичи, соф зикр қилиш босқичи. Зикр қилишни энди бошлаган киши Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилар экан, одатда муқаддас номга нисбатан жуда кўп ҳақоратлаш содир қила бошлайди. Муқаддас номга нисбатан содир қилинадиган ҳақоратларнинг ўн тури мавжуд; агар содиқ ана шу ҳақоратларни содир қилмасдан зикр қилиб юрса, у навбатдаги босқичга кўтарилади. Бу босқич муқаддас номни ҳақоратли зикр қилиш билан соф зикр қилиш поғонаси орасидаги оралиқ босқич ҳисобланади. Худонинг муқаддас номларини соф зикр қилиш поғонасига кўтарилган киши шу заҳотиёқ озодликка эришади. Мана шу ҳолат *бхава-маха-давагни-нирвапанам* деб аталади. Инсон моддий тирикчиликнинг ловуллаб турган ёнғинидан озодликка

чиққан заҳоти илоҳий ҳаётнинг лаззатли таъмини ҳис қила бошлайди.

Шундай қилиб, моддийлик касалидан халос бўлиш учун Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юриш лозим. **Кришнани англаш Халқаро ҳаракатининг асосий мақсади - одамларга Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб яшаш имконини берадиган муҳит яратиб беришдан иборат.** Ҳаре Кришна мантрасини зикр қила бошлаш учун инсонда бунга ишонч бўлиши лозим. Зикр қилиш жараёнида унинг ишончи кучайиб, тобора мустаҳкамлана боради, шунда у ҳам бу жамият аъзоси бўлиши мумкин. Биз *санкиртана*(Худонинг илмини тарқатиш) гуруҳларини бутун жаҳон бўйлаб ҳамма жойларга жўнатыпмиз, ўз фаолияти давомида улар шунга ишонч ҳосил қиялтиларки, ҳатто ер юзининг Кришна ҳақида умуман эшитмаган бурчакларида ҳам Ҳаре Кришна *маха-мантра* жамиятимизга минглаб одамларни жалб қияпти. Баъзи жойларда одамлар *мантра* эшитгандан кейин бир неча кун ўтмасданок Худонинг содиқларига таклид қилиб, сочларини тақирлаб олиб, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб, содиқлар даврасига қўшилиб кетаяпилар. Бу шунчаки таклид қилиш бўлса ҳам - ҳар қандай яхши нарсага таклид қилишни олқишлаш, қўллаб-қувватлаш керак. Ҳозир шунчаки таклид қилиб юрган одамларнинг баъзилари вақт ўтиши билан руҳий ҳаёт кечиришга фотиҳа олишни истаб қоладилар ва шундай илтимос билан руҳий устозга мурожаат қиладилар.

Самимий интилаётган содиқ руҳий устоздан фотиҳа олади. Руҳий юксалишнинг мана шу босқичи *бхаджана-крия* деб аталади. Руҳий устоздан фотиҳа олган содиқ Худога жиддий равишда, ҳақиқий садоқат билан хизмат қила бошлайди: Ҳаре Кришна мантрасини мунтазам зикр қилиб юради, ноқонуний жинсий алоқа, гўшт, тухум, балиқ, маст қилувчи нарсалар ва кимор сингари бемаъни нарсалардан бутунлай юз ўгиради. *Бхаджана-крия босқичи* содиқнинг моддий тирикчилик иллатларидан покланишига ёрдам беради. Инсон гўшт ва пиёз қўшиб тайёрланадиган "тансиқ" таомлар таклиф этиладиган ресторанларга, зиёфатларга боришни қанда қилади, чекишни, ҳатто чой ва қаҳва ичишни ҳам тарк этади. У нафақат ноқонуний жинсий алоқадан эмас, балки умуман жинсий алоқадан бутунлай воз кечади. Энди у ўз вақтини бозордаги алдамчиликка ва ҳар хил шоу ёки кимор ўйинларига сарфлаб, нодир инсон умрини ҳазон қилишни истамайди. Шу тариха инсон барча нуксонлардан ва ёқимсиз бемаъни одатлардан халос бўлади(*анартха-нивритти*). *Анартха* ибораси барча кераксиз бемаъни нарсаларни англатади. Инсоннинг Худога, Худонинг хоҳиши бўйича яшашга боғланиши кучайган сари, у анартхалардан тобора кўпроқ поклана боради.

Инсон кераксиз нарса(*анартха*)ларнинг ҳаммасидан озод бўлганида Худога садоқат билан хизмат қилишда мустаҳкам ўрнашиб қолади. Бунинг устига у ўзининг қилиб юрган хизматида боғланиб қолади ва бундан ўзи илоҳий лаззат ола бошлайди. Мана шу босқич *бхава*, яъни, инсон қалбида мудраб ётган илоҳий ишқнинг, Худога муҳаббатнинг уйғона бошлаши, деб аталади. Шундай қилиб, шартланган руҳ моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқади ва ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар, моддий бойлик, дунёвий илм, умуман моддий ҳаёт уни қизиқтирмай қўяди. Шунда унга Худо Шаҳси ҳамда Унинг ташқи қуввати - майянинг илоҳий табиати ўзини ошкор этади.

Бхава поғонасига кўтарилган содиқ ҳатто *майя* иштирок этаётганда ҳам ўзгармасдан хотиржам

колаверади, чунки у майянинг асл ҳолатини яхши билади. *Майя* - Худони эсдан чиқариш демакдир. Худони унутиш ва Худо билан бирга бўлиш, худди нур ва соя сингари ҳамиша биргаликда мавжуд. Сояда турган киши ёруғликда юриш берадиган имкониятлардан маҳрум бўлади, ёруғликда юрган кишини эса, қоронғулик зулматида бўлаётган ишлар умуман қизиқтирмайди. Қалбида Худонинг хоҳиши билан яшаш истагини ривожлантира бориб, содиқ вақти келиб руҳий озодликка эришади ва ёруғликка чиқади. Шунда унга зулматдаги ишлар таъсир қилмай қўяди. Бу ҳақда "Чайтанья Чаритамрита"(22.31)да айтилган:

*кришна - сурйя-сама; майя хайа андхакара
йахан кришна, тахан нахи майяра адхикара*

"Кришна қуёшга ўхшайди, майя эса - зулматга. Қуёш порлаб турган жойда зулматга ўрин йўқ. Инсон Худонинг хоҳиши билан яшай бошлаган заҳоти зулматнинг алдамчи жилоси ғойиб бўлади ва у ташқи қувват ҳукми остидан озодликка чиқади".

Саккизинчи мантра

*тан-нама-рупа-чаритади-сукиртанану-
смритйох кррамена расана-манаси нийоджйа
тиштхан врадждет тад-анураги-жананугами
калам найед акхилам итй упадеша-сарам*

"Рухий ҳаёт кечириб қондаларининг мазмун-моҳияти - ҳамиша, сутканинг йигирма тўрт соати давонида Худонинг муқаддас номларини диққат билан зикр қилиб, Унинг илоҳий қиёфасини, сифатларини ва мангу эрмакларини шарафлаб қўйлаб юриш ҳамда тил ва ақлни шундай фаолият билан машғул қилиб, ҳамиша уларни эслаб юришдан иборат. Бунинг учун *Враджда(Голока-Вриндаван-дхама)*да жойлашиш ва Худонинг содиқларининг кўрсатмаларини бажариб, Кришнага хизмат қилиш лозим. Кришнага садоқат билан хизмат қилишга қаттиқ боғланиб қолган Парвардигорнинг сеvimли содиқлари изидан бориш керак".

Изоҳ: Ақлимиз бизга дўст бўлиши ҳам, душман бўлиши ҳам мумкин, шу боис, маълум амаллар ёрдамида ақлимизни ўзимизга дўст қилиб олишимиз лозим. Худони англаш ҳаракатида ақлни жиловлашга алоҳида муҳим аҳамият берилади, бундан мақсад - уни ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиб қўйишдан иборат. Ақлимизда фақат ҳозирги ҳаётимиздаги эмас, балки аввалги минглаб ҳаётларимиздаги таассуротлар сақланиб қолган. Ана шу таассуротлар бир бири билан аралашиб, баъзан бир бирига бутунлай зид бўлган турли қиёфаларни юзага келтиради. Шу боис ақлнинг фаолияти шартланган рух учун жиддий хавф-хатарларни юзага келтиради. Рухшунослик(психология)дан хабари бор одамлар ақлда рўй берадиган ҳар хил руҳий ўзгаришларни яхши биладилар. "Бхагавад-гита"(8.6)да шундай дейилган:

*йам йам вапи смаран бхавам
тйадждатй анте калеварам
там там эваити каунтейа
сада тад-бхава-бхавитах*

"Танасини тарк этаётган пайтда инсон ҳаёт ҳақида қандай тасаввурга эга бўлса, кейинги ҳаётида ана шундай ҳаёт шароитида дунёга келади".

Ажали етган пайтда инсоннинг ақли ва тафаккури маълум бир кўринишдаги тана турининг нафис шаклини юзага келтиради, натижада рух кейинги ҳаётида ана шундай кўринишдаги танага эга бўлади. Агар шу пайт қутилмаганда ақлда қандайдир бадбашара жирканч қиёфа пайдо бўлса, инсон кейинги ҳаётида ана шундай жирканч қиёфадаги танада туғилишга мажбур бўлади. Лекин, ажали етган пайтда инсон Кришна ҳақида ўйласа, у руҳий оламга, Худонинг даргоҳига, Голока Вриндаванга боради. Рухнинг бир танадан иккинчи танага кўчиши жуда нозик, мураккаб жараён: шунинг учун Шрила Рупа Госвами Худонинг содиқларига изчилик билан ақлини ҳамиша Кришна ҳақида, фақат Кришна ҳақида ўйлаб юришга ўргатишни насихат беради. Худди шундай, тилни ҳам фақат Кришна ҳақида гапиришга ва фақат *кришна-прасад* ейишга ўргатиш лозим. Шрила Рупа Госвами насихат қилишда давом этиб шундай дейди: *тиштхан врадже* - Вриндаванда ёки Враджабхумининг бошқа бирор жойида яшанг. Враджабхуми - майдони саксон тўрт крошага тенг бўлган Вриндаван атрофи. Кроша - беш квадрат километрга тенг бўлган майдон (1кроша = 5кв.км). Вриндаванда жойлашиб олиб, Кришнанинг сеvimли содиқларидан бирининг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кириб олиш лозим. Шунда биз ҳамиша, ҳамма вақт Кришна ва Унинг эрмаклари ҳақида ўйлаб юриш имконига эга бўлаемиз. Шрила Рупа Госвами бунинг ўзининг "Бхакти-расамрита-синдху" асарида батафсил тушунтириб берган(1.2.294):

*кришнам смаран жанам часйа
прештхам нидже-самихитам
тат-тат-катха-раташ часау
курйад васам врадже сада*

"Содиқ ҳамиша илоҳий даргоҳ Врадждада яшаши ва *кришнам смаран жанам часйа прештхам* яъни, ҳамиша Кришнани ва Унинг сеvimли ҳамроҳларини ўйлаб юриши лозим. Парвардигорнинг ҳамроҳлари изидан бориб, ўзини бутунлай уларнинг мангу паноҳига топшириб, инсон Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилишга қаттиқ боғланиб қолади".

*сева садхака-рупена сиддха-рупена чатра хи
тад-бхава-липсуна карйа врадже-локанусаратах*

"Илоҳий даргоҳ Враджда Парвардигор Шри Кришнага, худди Унинг яқин ҳамроҳлариникидай хис-туйғу билан хизмат қилиш лозим, Кришнанинг яқин ҳамроҳларидан бирининг бевосита раҳбарлиги остида унинг изидан бориш керак. Бу усулдан руҳий юксалишнинг *садхана*(моддий олам тутқунлиги шароитида руҳий фаолият билан шуғулланиш) поғонасида ҳам, *садхйа*(Худони англаб етиш) поғонасида ҳам фойдаланиш мумкин. *Садхйа* поғонасида инсон *сиддха-пуруша* - руҳий баркамолликка эришган рух хисобланади".

Шрила Бхактисиддхантас Сарасвати Тхакур мазкур шеърни шундай изоҳлаган: "Ҳали қалбида Кришна онги билан яшашга қизиқиш уйғонмаган киши барча дунёвий орзу-истакларни тарк этиши ва руҳий юксалишга ёрдам берадиган қонун-қоидаларга риоя қилиб, ақлини жиловлаб олиши, яъни, Кришнанинг муқаддас номини зикр қилиши, Унинг қиёфасини,

сифатларини, эрмакларини шарафлаб куйлаши ҳамда уларни эслаб юриши лозим. Бундай амаллардан лаззат хис қила бошлагандан кейин Вриндаванда жойлашиб олиш ва тажрибали содиқнинг паноҳи ва раҳбарлиги остида вақтини Кришнанинг муқаддас номлари, шон-шуҳрати, эрмаклари ва сифатлари ҳақидаги мулоҳазаларга ғарқ бўлиб ўтказиши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилишга доир бўлган барча кўрсатмаларнинг мазмун-моҳияти шундан иборат.

Бошланғич поғоналарида ҳамиша *кришна-катха* – Парвардигор ҳақидаги суҳбатларни тинглаб юриш лозим. Бу босқич *шравана-даша*, тинглаш поғонаси деб аталади. Ҳамиша Кришнанинг илоҳий муқаддас номини ва Унинг илоҳий киёфаси, сифатлари ва эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юриш шарофати билан инсон *варана-даша* деб аталадиган, яъни, Кришнани Парвардигор сифатида тан олиш поғонасига эришади. Ана шу поғонада унда *кришна-катха* тинглашга боғланиш туйғуси ривожланади. Худонинг муқаддас номларини жазавали лаззат билан зикр қилиш қобилятига эга бўлганда содиқ *смаранавастха*, Худони ҳамиша эслаб юриш поғонасига эришади. (1)Ҳамиша Худони ўйлаб юриш, (2)фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиш, (3)муроқабани, (4)ҳамиша эслаб юриш ва (5)жазавага тушиш - *кришна-смарана* зинапоясининг кетма-кет ўтиладиган беш босқичи шулардан иборат. Аввалига Кришнани эслаб юриш вақти-вақти билан узилиб қолиши мумкин, лекин вақт ўтиши билан содиқ узлуксиз Кришнани эслаб юрадиган бўлади. Худони узлуксиз эслаб юриш ҳолати фикрни Кришнада чуқур жамлашга - мулоқабани ҳолатига айланади. Мулоқабани чуқурлашиб, мунтазам ҳолатга айланганда *анусмрити* деб аталади. Узлуксиз, ҳеч нарсага чалғимайдиган *анусмрити* ҳолати инсонни транс, самадхи, яъни, "илоҳий жазавали лаззат" поғонасига олиб келади. *Смарана-даша*, яъни, *самадхида* баркамолликка эришган руҳ ўзининг азалий табиий руҳий ҳолатини тўлиқ англаб етади. Ана шу пайтда у ўзининг Кришна билан ўзаро мангу муносабатлари ҳақида тўлиқ ва аниқ тасаввурга эга бўлади. Мана шу ҳолат *сампатти-даша*, инсон баркамолликка эришган ҳолат деб аталади.

"Чайтанья Чаритамрита" янги содиқларга ҳар қандай шахсий манфаат кўзлашни тарк этишни ва муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда, Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишда (*садхана-бхакти*) жиддий шуғулланишни маслаҳат беради. Шу таразда янги содиқнинг қалбида аста-секин Кришнанинг номига, Унинг шон-шуҳратига, киёфасига, сифатларига ва бошқа илоҳий нарсаларга боғланиш туйғуси ривожлана боради. Қалбида ана шундай боғланиш туйғусини ривожлантириб, у ўзидан-ўзи, ҳатто, қонун-қоидаларга риоя қилмасдан ҳам, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қила олади. Мана шу поғона *рага-бхакти* - табиий муҳаббатга асосланган садоқатли хизмат деб аталади. Бу поғонада содиқ Кришнанинг Вриндавандаги бирор мангу хизматкорининг изидан бора олади. Ана шундай хизмат тури - *рагануга-бхакти* деб аталади. *Рагануга-бхакти*, яъни, табиий, ўзидан-ўзи пайдо бўладиган боғланиш туйғусига асосланган хизмат тури билан содиқ Кришнага *шанта-раса* муносабатида хизмат қилиши мумкин. Бунда содиқ Кришнанинг сигири бўлишга, Унинг қалтаги ёки найи бўлишга, ёки Унинг бўйинини безаб турадиган гулчамбар бўлишга интилади. Парвардигор билан *дасйя-раса* муносабатида бўлган содиқ Кришнанинг Читрака, Патрака ёки Рактака сингари хизматкорлари изидан боради. Дўстона *сахйя-*

раса муносабатида у Парвардигорнинг Баладева, Шридам ёки Судама сингари дўсти бўлади. *Ватсалья-раса*, ота-она ва фарзанд муносабатида бўлган содиқлар Нанда Махараж ва Ўшоода-она изидан боришлари мумкин. *Мадхурйя-раса*, ишқий муносабатларда бўлган содиқлар Шримати Радхаранига ёки Лалита сингари Унинг дугоналаридан бирига ёки Рупа ва Рати сингари қанизакларга ўхшаши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган барча насиҳат ва кўрсатмаларнинг мазмун-моҳияти шундан иборат".

Тўққизинчи мантра

*Вайкунтхажэ жанито вари мадху-пури татрати расотсавад
вриндаранийам удара-пани-раманат татрати говардханаҳ
радха-кундам ихати гокула-патех премамритатплаванаат
курйад асия вирадждато гири-тате севам вивеки на каҳ*

"Рухий нуқтаи-назардан Матхура деб аталадиган даргоҳ илоҳий даргоҳдан, яъни Вайкунтхадан устун туради, чунки Парвардигор айнан шу жойда бу дунёга ташриф буюрган. Илоҳий Вриндаван бутазори Матхура-пуридан устун туради, чунки бу ерда Кришнанинг *раса-лила* ўйинлари бўлиб ўтган. Аммо Говардхана тепалиги Вриндавандан ҳам устун туради, чунки уни Шри Кришна Ўзининг илоҳий қўлларида кўтариб турган ва у Кришнанинг ҳар хил ишқий ўйинларининг гувоҳи бўлган. Лекин, ҳеч нарса Гокуланинг Ҳукмдори Шри Кришнанинг илоҳий лаззатли муҳаббат шарбати ва сархуш хидларига тўла, тенгсиз Шри Радха-кунда билан тенглаша олмайди. Шунини била туриб, қайси бир фаросатли киши Говардхана тепалиги ёнбағрида жойлашган илоҳий Радха-кундага хизмат қилишдан бош тортади?"

Изоҳ: Рухий олам Парвардигор яратган бутун борлиқнинг энг улуғвор қисми бўлиб, унинг тўртдан уч қисмини эгаллаган. Рухий олам ўзининг табиатида кўра моддий оламдан устун туради, лекин Матхура ва унинг атрофидаги жойлар моддий оламда жойлашган бўлишига қарамасдан, руҳий оламдан ҳам устун туради, чунки Матхурада Парвардигорнинг Ўзи бу дунёга ташриф буюрган. Вриндаванни ўраб турган ўрмонлар Матхурадан устун туради, чунки уларнинг таркибига Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари бўлиб ўтган Талаван, Мадхуван, Бахулаван ва бошқалар сингари ўн икки ўрмон (*двадаша-вана*) қиради. Шундай қилиб, Вриндаванни ўраб турган ўрмонлар Матхурадан ҳам устун туради, аммо илоҳий Говардхана тепалиги ҳатто бу ўрмонлардан ҳам устун туради, чунки Кришна бу тепаликни Ўзининг илоҳий қўллари билан кўтариб олган ва фаришталар шоҳи Индра жаҳл устида юборган кучли ёмғир ва жаладан Ўзининг Врадждада яшайдиган севимли содиқларини ҳимоя қилиш учун соябон сифатида уни етти кун давомида кўтариб турган. Говардхана тепалигида Кришна Ўзининг подачи тенгқур-дўстлари билан сигир боқиб юрган, шу ерда У Ўзининг севгилисиз Шримати Радхарани билан учрашувга чиққан, шу ерларда Уларнинг ишқий ўйинлари бўлиб ўтган. Лекин, ҳеч нарса Говардхана ёнбағрида жойлашган булоқ Радха-кунда билан тенглаша олмайди, чунки айнан шу ерда Кришнанинг ишқ-муҳаббати жўш уриб тошиб кетади. Улуғвор содиқлар ҳавоси, атроф-муҳити Кришна билан Шримати

Радхаранининг мангу ишқий эрмаклари(*рати-виласа*) ҳақидаги хотираларга тўла Радха-кунда кирғоғидан макон топишни афзал кўрадилар.

"Чайтанья Чаритамрита"(Мадхья-лила)да айтилганки, Шри Чайтанья Махапрабху биринчи марта Ваджа-бхумига келганида У Радха-кундани бирданига топа олган эмас. Демак, Шри Чайтанья Махапрабху қандай қилиб бўлмасин, ҳақиқатан ҳам Радха-кунданинг аниқ жойини излаб топишни истаган. Ниҳоят, У мана шу муқаддас саждагоҳни излаб топган. Бу пайтга келиб аввалги катта кўлдан кичкина бир булоқ қолган эди. Унда чўмилиб покланиб, Чайтанья Махапрабху Ўзининг содиқларига мана шу ҳақиқий Радха-кунда эканини эълон қилган. Кейинчалик Чайтанья Махапрабхунинг издошлари, хусусан, биринчи издошлари бўлган вриндаванлик олти Госвами, шу жумладан Рупа ва Рагхунатха дас Госвами, ана шу булоқни кенгайтирганлар. Ҳозир ўша жойда Радха-кунда деб аталадиган катта кўл бор. Шри Чайтанья Махапрабху уни излаб топишга қаттиқ интилгани учун ҳам Шрила Рупа Госвами Радха-кундага бунчалик катта аҳамият берган. Шуни била туриб, ким ҳам Радха-кунда соҳилини тарк этиб, бошқа жойдан ўзига макон изларди? Илохий тафаккурга эга бўлган бирор киши бундай қилмайди. Аммо бошқа вайшнава-сампрадайга мансуб содиқлар Радха-кунданинг аҳамиятини англашга қодир эмаслар. Шри Чайтанья Махапрабхуга садоқат билан хизмат қилишга қизиқмайдиган одамлар ҳам Радха-кунданинг илохий табиатини ва унинг руҳий кадр-қимматини англаб етишга қодир эмаслар. Шу боис, Радха-кундага асосан Шри Кришна Чайтанья Махапрабхунинг издошлари, Гаудийа-вайшнавлар сажда қиладилар.

Ўнинчи мантра

*кармибхаиш парито харех приятайа
вйактим йайур жнанинас
тебхйо жнана-вимукта-бхакти-парамах
премаика-ништхас татах
тебхйас тах пашу-пала-панкаджа-дришас
табхйо "ни са радхика
прештха тадвад ийам тадийа-сараси
там нашрайет қах крити*

"Муқаддас китобларда айтилганки, Парвардигор Хари бу дунёда кармали фаолият билан машғул бўлиб юрган одамлар орасида инсон ҳаётининг юксак қадрини биладиган кишини афзал деб билади. Донишмандлик илмини англаб етган(*жнани*) ана шундай минглаб одамлар орасида эса, эгаллаган илохий илми ёрдамида руҳий озодликка эришган киши Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди. У қолган бошқа одамлардан устун туради. Лекин, қалбида ҳақиқатан ҳам *према*, Кришнага соф муҳаббат уйғота олган киши ундан ҳам устун туради. Барча буюк содиқлар орасида эса, ҳаммиша ва ҳамма нарсада Шри Кришнага, илохий подачи болакайга боғланиб қолган гопилар Худонинг энг улуғвор содиқларидир. Барча гопилар орасида Кришна учун энг азизи Шримати Радхарани. Унинг булоғи(кундаси) ҳам Кришна учун, Ўзига энг яқин *гопи* сингари, жуда азиз. Радха-кунда соҳилида макон топишдан ва ўзининг жазавали ҳис-

туйғулар(*апракрита-бхава*)га тўла руҳий танасида ҳар куни Ўзларининг мангу *аи такалийа-лила*(ўйинларининг саккиз тури)ни намойиш этадиган илохий ошиқлар Шри Шри Радха-Говиндага муҳаббат билан хизмат қилишдан ким ҳам бош тортарди. Радха-кунда соҳилида жойлашиб Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар – ҳақиқатан ҳам бутун коинотдаги энг бахтиёр инсонлардир".

Изоҳ: Ҳозирги даврда бу дунёдаги ҳар бир инсон кармали фаолиятнинг у ёки бу тури билан машғул. Моддий даромад олиш ниятида меҳнат қилиб юрган одамларни *карми* – “ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланиш учун ишлайдиган кишилар” деб атайдилар. Моддий оламда барча тирик мавжудотлар *майя* чангалига тушиб қолган. Бу ҳақда "Вишну-пурана"да ёзилган(6.7.61):

*вишну-шактиш пара прокта
кшетраджнакхья татха пара
авидйа-карма-самжнанйа
тритийа шактир ишйате*

Донишмандлар Худонинг Олий Шахсининг қувватларини уч тоифага ажратадилар: руҳий, оралик ва моддий қувватлар. Моддий қувватни учинчи нав қувват(*тритийа-шактиш*) деб ҳисоблайдилар. Моддий қувват ҳукми остидаги тирик мавжудотлар баъзан, худди ит ва чўчкаларга ўхшаб, ўз сезгиларининг талабларини кондириш ниятида жон-жаҳди билан тер тўкиб ишлайдилар. Лекин, ўзининг аввалги ҳаётларида қилган савоб ишлари шарофати билан баъзи бир кармилар ҳозирги ёки келгуси ҳаётида Ведаларда кўрсатилган ҳар хил қурбонлик маросимлари билан қизиқа бошлайдилар. Шу тарзда, қилган савоб ишлари эвазига улар жаннатий сайёраларга кўтарилдилар. Ведаларда кўрсатилган қонун-қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда қурбонлик маросими ўтказган кишилар кейинги ҳаётида Ой сайёрасига ёки ундан ҳам юқорида жаннатий сайёраларга эришадилар. "Бхагавад-гита"(9.21)да: *кишне пунйе мартйа-локам вишанти* - "қилган савоб ишларининг натижаси тугаши билан улар яна *мритйа-лока*, яъни, "ажал макони" деб аталадиган ер сайёрасига қайтиб келадилар". Ана шундай одамлар ҳатто ўзлари қилиб юрган савоб ишлари натижасида жаннатий сайёраларга кўтарилсалар ва у жойда минглаб йиллар давомида лаззатланиб яшасалар ҳам, барибир, савоб ишларининг натижаси тугагандан кейин, яна мана шу сайёрага қайтиб келишга мажбур бўладилар.

Хоҳ гуноҳкор бўлсин, хоҳ такводор бўлсин, - кармиларнинг қисмати шундай. Сайёрамазда бизнесменлар, сиёсатчилар ҳамда улар сингари фақат моддий бахт қизиқтирадиган минглаб одамлар яшайди. Улар даромад изидан қувиб, қилаётган ишлари гуноҳ ёки савоб экани ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасдан, ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Ана шундай одамларни *кармилар*, яъни, кўпол(вулгар, фаросатсиз, дунёвий) материалистлар, дунёвий одамлар деб атайдилар. Викармилар, яъни ўз фаолиятида ведавий донишмандлик илмига асосланмайдиган одамлар ҳам кармилар ҳисобланади. Ведавий донишмандлик илми асосида фаолият кўрсатадиган маданиятли кишилар Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш ва Унинг марҳаматига эришиш ниятида қурбонлик маросими ўтказадилар. Улар шу тарзда олий сайёралар тизимига эришадилар. Ана шундай кармилар викармилардан устун турадилар, чунки улар ведавий муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қиладилар,

шубҳасиз, улар Кришна учун жуда азиз. "Бхагавад-гита"(4.11) Кришна шундай дейди: *йе йатха мам прападийанте тамс татхатва бхаджам ахам* - **"Инсон қай даражада ўзини Менга топширса, Мен шу даражада уни мукофотлайман"**. Кришна шу қадар меҳрибонки, У фақат Ўз бхакталарининг эмас, ҳатто карми ва жнаниларнинг ҳам истакларини бажаради. Кармилар баъзан жаннатий сайёраларга кўтарилсалар ҳам, токи уларда кармали фаолиятга боғланиш туйғуси сақланиб қолар экан, улар ўлишга ва янги моддий тана олишга мажбур бўладилар. Эзгу, савоб ишлар қилиб юрган киши кейинги ҳаётида жаннатда фаришталар орасида ёки моддий бахтдан кўпроқ лаззатланиш имконини берадиган бошқа бирор шароитда туғилиши мумкин. Гуноҳ ишлар қилиб юрган одамлар эса, тубанликка юз тутиб ҳайвон, дарахт ёки бирор ўсимлик танасида туғилдилар. Шунинг учун донишмандлар ва авлиё зотлар Ведаларнинг қонун-қоидаларини инкор этадиган викармиларнинг ишларини қоралайдилар. "Шримад Бхагаватам"(5.5.4)да шундай дейилган:

*пунам праматтаҳ куруте викарма
йад индрийа-притайа априноти
на садху мание йата атmano "йам
асанн апи клешада аса дехаҳ*

"Фақат ўз сезгиларининг талабларини қондириш учун ит ва чўчқаларга ўхшаб кеча-кундуз ҳолдан тойгунча ишлайдиган одамлар, аслида ақлдан озган одамлардир. Улар фақат бир нарсага - ўз сезгиларини лаззатлантиришга интилиб яшайдилар, бунинг учун улар ҳар қандай жирканч ишга ҳам қўл уришга тайёр. Оқил инсонга дунёвий фаолият билан шуғулланиш ярашмайди, чунки бунинг натижасида у мусибатларга тўла моддий тана олишга мажбур бўлади".

Инсон бўлиб яшашдан мақсад - моддий тирикчиликнинг ажралмас хусусияти бўлган уч турли мусибатлардан халос бўлишдан иборат. Афсуски, кармилар мол-дунёга ва вақтинчалик моддий қулайликларга қаттиқ боғланиб қолганлар, шу ниятига эришиш учун улар ҳар нарсага тайёр. Бунинг натижасида улар ҳаётнинг куйи турларига тушиб қолишлари мумкин. Моддий оламда бахтга эришишга интилиб, улар ҳар хил бўлмағур режаларни тузадилар. Бир паст тинчиб, умри оз қолгани, кутилмаганда келадиган ажал қилиб юрган ҳамма ишларига биратўла чек қўйгунча, қолган умрининг жуда кўп вақтини сезгиларининг талабларини қондириш учун пул топишга сарфлаб юргани ҳақида ўйлаб кўришга уларнинг вақти йўқ. Дунёвий одамлар ҳозирги танасини тарк этгандан кейин бирор ўсимлик, дарахт ёки ҳайвон танасида туғилиши мумкинлиги ҳақида ўйламайдилар. Шундай қилиб, улар инсон ҳаётининг олий мақсадига эришмаслик учун қўлидан келганча ҳаракат қиладилар. Улар ғофиллик зулматида туғилибгина қолмасдан, осмонўпар бинолар, катта лавозимлар, қиммат машиналарни ўзларининг фаровон ҳаётининг кўрсаткичлари деб ҳисоблаб, ғофиллик зулматида яшайдилар. Кейинги ҳаётида тубанликка юз тутиши, ҳозирги бутун фаолияти уларга *парабхава*(мағлубият)дан бошқа ҳеч нарса олиб келмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдилар. "Шримад Бхагаватам"(5.5.5)нинг хулосаси шундан иборат: *парабхавас тавад абодхажатаҳ*.

Шунинг учун инсон руҳ ҳақидаги илоҳий илм(*атма-таттва*)ни англаб етишга интилиши лозим. Токи инсон *атма-таттва* поғонасига эришмас ва ўзи

аслида тана эмас, руҳ эканини англаб етмас экан, ғофиллик зулматида қолиб кетаверади. Ўз умрини ҳиссий лаззатларга бекорга сарфлаб юрган ана шундай минглаб, миллионлаб ғофил одамлар орасидан биргина киши ҳақиқий илмга эга бўлиши ва ҳаётнинг юксак қадриятларини англаб етиши мумкин. Ана шундай кишини *жнани*, донишманд деб атайдилар. *Жнани* кармали фаолият уни фақат моддий тирикчиликка қаттиқроқ боғлаб қўйишини ва унинг бир танадан иккинчи танага ўтиб юришининг асосий сабабчиси эканини тушунади. "Шримад Бхагаватам"да ишлатилган *шарира-бандха*(тананинг ҳаётига боғланиб қолган) деган ибора шуни кўрсатадики, токи инсон у ёки бу кўринишдаги ҳиссий лаззатга боғланган экан, унинг фикру-хаёли фақат *карма*, яъни, бирор натижага эришиш ниятида кўрсатиладиган фаолиятга боғланган бўлади, мана шу уни бир танадан иккинчи танага ўтиб юришга мажбур қилади.

Шундай қилиб, *жнани* кармилардан устун туради, чунки у ҳиссий лаззатлар изидан қувиб юришдан иборат фаолиятда кўр-кўрона иштирок этмайди. Парвардигор ҳам шуни таъкидлайди. Лекин, кармиларга хос бўлган ғофиллик иллатидан халос бўлган *жнани*, то Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилмас экан, у ҳам ғофиллик(*авидйа*)да қолиб кетаверади. Гарчи уни *жнани*, "билимдон донишманд" деб атасалар ҳам, унинг илми пок эмас, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида билмагани учун у бевосита Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилмайди.

Худога садоқат билан хизмат қила бошлаган *жнани* оддий *жнани*лардан устун туради. Ана шундай улуғвор инсонни *жнана-вимукта-бхакти-парам* деган ибора билан ифодаляйдилар. Қандай қилиб оддий *жнани*лар Худога садоқат билан хизмат қила бошлаши ҳақида "Бхагавад-гита"(7.19)да ёзилган:

*бахунам жанманам анте
жнанаван мам прападийанте
васудеваҳ сарвам ити
са махатма судурлабхаҳ*

"Илоҳий илмни ҳақиқатан ҳам мукаммал эгаллаган донишманд, қўлаб туғилиш ва ўлишлардан кейин, барча сабабларнинг сабабчиси, бутун борлиқнинг асоси - Мен эканимни билиб, ўз ихтиёрини Менга топширади. Аммо, бундай буюк зот жуда кам учрайди".

Фақат Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига ўз ихтиёрини топширган киши ҳақиқий донишманддир, лекин ундай буюк зот, махатма, жуда кам учрайди. Муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида Худога садоқат билан хизмат қилиб, Нарада Муни ёки Санака ва Санандана сингари буюк содиқлар изидан бориб, инсон ўзининг қалбида Худога нисбатан табиий муҳаббат туйғусини уйғота олади. Шунда Парвардигор уни буюк содиқ деб тан олади. Қалбида Худога муҳаббат уйғота олган содиқлар, ҳеч шубҳа йўқки, руҳий юксалишнинг жуда юқори поғонасида турадилар.

Аммо, ўзларининг хизмати билан Кришнани мамнун қилишдан бошқа ҳеч нарсани истамайдиган, бунинг эвазига Кришнадан ҳеч нарса таъма ҳам қилмайдиган гопилар ҳамма содиқлардан устун турадилар. Вақти-вақти билан Кришна уларни ташлаб кетиб, уларга чидаб бўлмас изтироб келтиради. Лекин шунга қарамасдан, улар ҳеч қачон Кришнани унута олмайдилар. Кришна Вриндавандан Матхурага кетганида гопилар қаттиқ мусибатга тушдилар, улар қолган умрини Кришнадан айрилиб, ҳижрон азобида зор-интизор йиғлаб ўтказдилар. Демак, қайсидир

маънода улар ҳеч қачон Кришнадан айрилмаганлар. Чунки, **Кришнани эслаб юриш - У билан бирга бўлиш демасдир.** Ваҳоланки, *вираламбха-сева* – Шри Чайтаня Махапрабху қилганидай, ҳижрон азобида юрган ҳолда Кришнани эшлаш, ҳатто Кришнага бевосита хизмат қилишдан ҳам устун туради. Шундай қилиб, қалбида Кришнага соф муҳаббат уйғотган содиқлар ичида энг улуғвор, энг улуғвор зотлар гопилар ҳисобланади, улардан энг яхшиси эса - Шримати Радхарани. Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳеч ким Шримати Радхаранидан устун бўлолмайди. Шримати Радхаранининг Кришнага нисбатан қандай муносабатда эканини ҳатто Кришнанинг Ўзи ҳам англаб етолмайди, шунинг учун У Шримати Радхаранининг илоҳий ҳис-туйғуларини тушуниб олиш ниятида Унинг ҳолатига кириб, Ўзини Шри Чайтаня Махапрабху қиёфасида намоён этган.

Шундай қилиб, Шрила Рупа Госвами аста-секин бизларни Шримати Радхарани Кришнанинг барча содиқлари орасида энг улуғвор содиқ хизматкори, Унинг *кунда*(булоғи)си Радха-кунда эса, ер юзидаги энг улуғвор жой деган хулосага олиб келади. Бу "Чайтаня Чаритамрита"да келтирилган "Лагху-бхагаватамрита" (Утгара-кханда,45)дан олинган мисолда ҳам тасдиқланади.

*йатха радха прийа вишнос
тасйах кундам прийам татха
сарва-гопишу саиваика
вишнор атйанта-валлабха*

"Ягона Парвардигор Кришнага Шримати Радхарани қанчалик азиз бўлса, Унинг чўмиладиган жойи, Радха-кунда ҳам Унга шунчалик азиз. У – гопилар ичида энг биринчиси ва энг суюқлиси".

Шунинг учун, Худога садоқат билан хизмат қилишга интилаётган ҳар бир содиқ Радха-кунда соҳилидан макон топиши ва ўзининг қолган умрини унинг соҳилида Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаб ўтказиши лозим. "Упадешамрита" асарининг ўнинчи мантрасида Шрила Рупа Госвами ана шундай хулосага келади.

Ўн биринчи мантра

*кришнасийоччаиҳ пранайя-васатиҳ преясибхйю "ни радха
кундам часйа мунибхир абхитас тадриг эва вйадхайи
йат преитхаир ай алам асулабхам ким пунар бхакти-бхаджам
тат премедам сакрид апи сарах натур авишкароти*

"Лаззат бағишлайдиган кўплаб зотлар ва Ваджабхумидаги соҳибжамол қизлар ичида, албатта, Кришна учун энг азизи ва энг суюқлиси Шримати Радхарани. Буюк донишмандлар айтадиларки, Унинг илоҳий ҳовузи(кундаси) ҳам Кришна учун шунчалик азиз. Ҳеч шубҳа йўқки, Радха-кунда соҳилига ҳатто буюк содиқлар ҳам камдан-кам ҳолда эриша оладилар; оддий содиқларнинг унга эришиши яна ҳам мушкулроқ. Унинг муқаддас сувларида атиги бир марта чўмилган кишининг қалбида Кришнага нисбатан соф муҳаббат туйғуси уйғонади".

Изоҳ: Нимага Радха-кунда шу қадар буюк, шу қадар улуғвор? Бу булоқ Кришна учун ҳаммадан ҳам азизроқ бўлган Шримати Радхараниники бўлгани учун ҳам, у

шундай улуғвор сифатларга эга. Парвардигор Шримати Радхаранини бошқа гопиларнинг ҳаммасидан ҳам каттиқроқ севади. Буюк донишмандлар ҳам тасдиқлайдиларки, Унинг ҳовузи Шри Радха-кунда ҳам Кришна учун худди Радхаранининг Ўзидай азиз. Ҳақиқатан ҳам, Кришнанинг Шримати Радхаранига бўлган муҳаббати билан Унинг Радха-кундага бўлган муҳаббати бир-биридан фарқ қилмайди. Ҳали энди *ваидхи-бхакти* поғонасида юрган оддий содиқлар нари турсин, ҳатто бутун ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган буюк зотлар ҳам камдан-кам ҳолларда Радха-кунда соҳилига эриша оладилар.

Айтишларига қараганда, Радха-кунда сувида бир марта чўмилган содиқнинг қалбида Кришнага нисбатан шу заҳотиёқ худди гопиларники сингари соф муҳаббат туйғуси уйғонади. Радха-кунда соҳилида муқим яшаш имкониятига эга бўлмаган содиқларга Шрила Рупа Госвами ҳеч бўлмаса унинг муқаддас сувларида иложи борица кўпроқ чўмилишни маслаҳат беради. Мана шу Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг муқим омилларидан бири ҳисобланади. Бу борада Шрила Бхактивинода Тхакур ёзганки, Шри Радха-кунда - Шримати Радхаранининг дугона(*саххи*)лари ва яқин хизматкор(*манджари*)лари изидан бориб, Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга эришишга интилаётган содиқ учун энг муқим жой ҳисобланади. Рухий тана(*сиддха-деха*) олишга ва ўзининг мангу уйига, Худонинг илоҳий салтанатига, Голока Вриндаванага эришишга интилаётган тирик мавжудотлар Радха-кунда соҳилида жойлашиб, Шри Радхаранининг яқин хизматкорлари паноҳига кириб, уларнинг кўрсатмалари асосида ҳамиша Унга садоқат билан хизмат қилишлари лозим. Мана шу - Шри Чайтаня Махапрабху паноҳи остида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиқлар учун энг улуғвор усул ҳисобланади. Бу борада Шрила Бхактисиддхантас Сарасвати Тхакур ёзадики, ҳатто Нарада Муни ва Санака сингари буюк донишманд ва содиқлар ҳам келиб Радха-кундада чўмилиш имкониятига эга эмаслар. Шундай экан, оддий содиқлар ҳақида нима дейиш мумкин? Агар инсонга нодир омад кулиб боқиб, Радха-кунда соҳилига бориб қолса ва унинг сувларида атиги бир марта чўмилиб чиқса, унинг қалби Кришнага нисбатан худди гопиларники сингари илоҳий муҳаббат туйғуси билан тўлади. Мазкур шеърда ҳам содиқларга Радха-кунда соҳилида жойлашиш ва Парвардигорга соф садоқат билан хизмат қилишга фарқ бўлиш маслаҳат берилади. Мана шу ҳовуз сувида ҳар куни чўмилиб покланиш, Шримати Радхарани ва Унга ёрдамчи-гопилар паноҳига кириб, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан бутунлай халос бўлиши лозим. Агар инсон бутун умри давомида шундай яшаса, танасини тарк этгандан кейин у Радха-кунда соҳилида яшаб, ўзи тасаввур қилганидай Шримати Радхаранига садоқат билан хизмат қилиш учун Худонинг даргоҳига қайтиб кетади. Демак, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг олий поғонаси - Радха-кунда соҳилида яшаш ва ҳар куни унинг сувларида чўмилишдан иборат. Рухий баркамолликнинг бундай юксак поғонасига кўтарилиш, ҳатто Нарада Муни сингари буюк донишманд ва содиқлар учун ҳам жуда мушкул. Шу боис ҳам Шри Радха-кунданинг шон-шухрати чексиз, бениҳоя. Радха-кундага садоқат билан хизмат қилиб юрган киши гопиларнинг мангу раҳбарлиги остида Шримати Радхаранининг ҳамроҳи бўлиш имкониятига эга бўлади.

14.04.2005...

05.06.2007

14.07.2010